ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. № 45
Книжная палата УзССР
17 АВГ 1983

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 185 (5176)

16 АВГУСТ 1983 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.

Баҳоси 3 тийин.

тонгги газеталарда

● Ўзбекистон меҳнаткашлари Ҳиндистон мустақиллигининг 36 йиллигига ҳамда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида СССР билан Ҳиндистон ўртасида тузилган шартноманинг 12 йиллигига бағишланган Совет — Ҳиндистон дўстлиги Бутуниттифоқ ойлигида фаол қатнашмоқдалар.

15 август куни шонли сана шарафига Тошкент жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари Осиёдагина эмас, шу билан бирга бутун планетада тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим омилидир деб таъкидладилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкентда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон — Совет дўстлиги жамияти делегациясининг вакили доктор Налкур Срипад Рао йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари янги ҳаёт қуришда дўст ҳинд халқига катта муваффақиятлар тиладилар.

● Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида бўш вақтдан унумли фойдаланиш совет кишилари турмуш даражасини оширишнинг муҳим элементларидан бири эканлигини уқтириб ўтди. Меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш республика комиссиясининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров раислигида 15 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида шу ҳақда гапирилди.

КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув

МОСКВА. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

ДОИМ САФДАМИЗ

ПАРТИЯ совет халқини — кашшоф халқни комил ишонч билан ленинча бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан бошлаб бормоқда. Мардона, фидокорона меҳнат, оммавий қаҳрамонлик ва сўнмас ҳарбий жасорат Ленин партиясининг миллионларча содиқ фарзандлари таржимаи ҳолининг муштарак босқичлари бўлиб қолди.

Коммунистлар доим олдинги сафда бордилар, кишиларни ўрнак кўрсатиб, сабот-матонати, принципиаллиги, сахийлиги билан, доим шай бўлиб туриши ва оммага бошчилик қилиши билан, улуғ революцион меҳнат армиясининг оддий жангчилари бўлиши билан ҳамиша илҳомлантириб келдилар. Улар ҳозирги кунда ҳам завод цехларида, колхоз ва совхоз далаларида, конструкторлик бюролари ва илмий лабораторияларда шараф билан меҳнат қилиб, ҳамма жойда ўзининг гражданлик, партиявий бурчини бажаришда юксак намуна кўрсатмоқдалар. Хизматларига яраша муносиб дам олаётган кишилар эса ёшлар билан ишлашни давом эттириб, коммунистик ғояларнинг оташин пропагандистлари бўлиб қолмоқдалар.

Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, Г. В. Романов, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Н. И. Рижков ўртоқлар 15 август куни КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашдилар.

Учрашувни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. С. Горбачев** очди:

Ҳурматли ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига биноан шу залда ҳозир бўлган партия ветеранларини, меҳнат ветеранларини табриклашга ижозат бергайсиз.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси партия Марказий Комитетидаги бугунги учрашувимизни ҳам, совет жамиятидаги турли авлодлар, турли социал группаларнинг вакиллари билан бошқа учрашувларни ҳам Ленин анъаналарини давом эттириш деб ҳисоблайди.

Ўртоқлар! Сизлар совет кишиларининг шундай авлодига мансубсизки, бу авлод зиммасига революция қилиш, мамлакатни харобалар ўрнида тиклаш, социализм пойдеворини қуриш каби энг қийин ва шу билан бирга энг фахрли тарихий вазифа юкланган эди. Сизларнинг кўпингиз урушнинг оловли йўлларидан ўтгансиз.

Бу — оғир пайтлар эди. Биз ҳаёт-мамот жангига бордик. Тўйиб ухламаган ва тўйиб овқат емаган пайтлар ҳам бўлган эди. Бутун куч-ғайратни сарфлаб ишлашга тўғри келар эди. Аммо буюк мақсад буюк ғайрат-шижоатни яратди. Советлар мамлакати қаддини ростлаб олди, мустаҳкамланди, чиниқди, қўлга қурол олиб ўзини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Миллионларча тенгқурларингиз каби бу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳар бири ҳам босиб ўтилган йўлга — фидокорона меҳнат ва қаҳрамонона зафарлар йўлига ифтихор билан назар солиши мумкин.

Биз сизларни партия Марказий Комитетига иззат-ҳурмат ва миннатдорчилик сўзларини яна бир марта изҳор қилиш учунгина таклиф қилганимиз йўқ, албатта. Партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари бутун совет халқининг буюк тажрибасини мужассамлаштирадилар. Сизларнинг бу тажрибангиз ва билимингиз муштарак ишимизга, ҳозирги пайтда партия ва халқ олдида, совет кишиларининг бутун-бутун авлодлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга янада актив хизмат қилишини истаймиз.

Шу боисдан, ҳурматли Ленин партияси ветеранлари, бугун сизлар билан учрашиб, сизнинг тажрибангиз ва билимингиздан яхшироқ, кўпроқ фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш тўғрисида гаплашиб олишни истаймиз. Бундай мулоқот масалаларни ўртага қўйишни ҳам, танқидий мулоҳазаларни ҳам, камчиликларни таҳлил этишни ҳам кўзда тутади, албатта. Хуллас, партиявийлик билан, ленинчасига самимий гаплашиб олайлик.

Мен суҳбатимизга қисқача кириш сифатида шу гапларни айтишни истадим.

Ўртоқлар, энди ким биринчи бўлиб сўзга чиқади? Кимга сўз бериш керак? Марҳамат.

1915 йилдан бери КПСС аъзоси, Советлар I Бутуниттифоқ съездининг иштирокчиси, партия ветеранларининг Ленинграддаги Октябрь революцияси давлат музейига ёрдам Советининг раиси **В. П. Виноградов** сўз олади. У ўртоқ Ю. В. Андроповга мурожаат қилиб, бундай дейди:

Аввало, партия ветеранларига доим эътибор қилаётганлиги учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига чин кўнгилдан, самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз бугун партиявий раҳбарликнинг ленинча услуби Марказий Комитетнинг, унинг Сиёсий бюросининг ишларида қандай амалга оширилаётганлигини зўр мамнуният билан ҳис этмоқдамиз. Бу ҳол партиянинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларига, Юрий Владимирович, Сизнинг нутқларингизда баён этилган йўл-йўриқларга мувофиқ кўраётган амалий тадбирларида зўр куч билан намоён бўлди.

Биз, партия ветеранлари партия билан ҳукуматнинг социалистик интизом ва тартибни мустаҳкамлаш борасидаги қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқ д а м и з. Биз ишчи коллективларида меҳнат мактаби ва революцион мактабни ўтганмиз. Шу сабабли биз онгли ижодий ва интизомли меҳнат натижасидагина бутун ноз-неъмат ва бойликларимиз вужудга келишини, халқ фаровонлигига эришилаётганлигини яхши англаймиз. Кўпларимиз улуғ Ленининнинг шу ҳақда айтган гапларини эшитганмиз.

Мен ҳозир шу нарсани маълум қилишни истайманки, КПСС ветеранлари ёшларимизнинг синфий онгини ўстириш, уларни партиямиз ва халқимизнинг революцион, меҳнат ва жанговар анъаналари руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар. Бу ерда Михаил Васильевич Росляков ўтирибди. У Ленинграддаги Москва район партия комитети ҳузуридаги ветеранлар кенгаши раиси сифатида фаол иш олиб бормоқда.

Ветеранлар ишчи касбини севиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга, жумладан

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг суҳбатимиз, худди кутганимиздек сермазмун, фойдали, айни Сиёсий бюро ҳам умид қилганидек бўлиб чиқди. Бу ерда янграган нутқларнинг учта характерли белгисини алоҳида ажратиб кўрсатгим келади.

Биринчидан, бу — уларнинг активлиги, чуқур партиявий эътиқодлилик руҳидир. Бу — коммунистик идеалларнинг сўнмас қимматига, партия бораётган йўлнинг тўғрилигига эътиқоддир. Боз устига, бизнинг ишончимиз комил бўлган, совет халқи интилаётган жамики яхшиликлар учун курашиш, садоқат билан курашиш кераклигига эътиқод ҳам шу жумлага киради, ўртоқлар. Яқиндагина биз РСДРПнинг Иккинчи съезди саксон йиллигини нишонладик, ўша съездда дунёда биринчи янги типдаги пролетар партияси барпо этилган эди. Ленинчи большевиклар партияси қудратли, енгилмас кучга айланди, унинг зиммасига инсоният тарихида янги давр очишдан, янги коммунистик цивилизацияни қуришга киришишдан иборат улуғ жаҳоншумул-тарихий вазифа тушди. Мана шу вазифани КПСС шараф билан бажармоқда!

Иккинчидан, муваффақиятларимизни ҳам, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган проблемаларни ҳам баҳолашдаги реализм, вазминлик бизни қувонтиради. Фактлар қандай бўлса уларни шундайлигича кўриш, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг мураккаблигини, зиддиятлилигини англаш, ҳеч нарсани бўрттириб кўрсатмаслик, аммо қилинган ишларни ҳам камситмаслик — илмий асосланган сиёсатнинг зарур шартларидир.

Ниҳоят, бу ерда тиниқ-равшан жаранглаган, ижодий новаторлик мулоҳазаларни ҳам уқтирмай ўта олмайман. Чунки орттирилган тажриба, қарор топган тасаввурлар, урф-одатлар, кўникмалар баъзан ғайриодатий бўлган янгиликни тушунишга халақит беради ва бундай воқеалар тез-тез учраб ҳам туради. Аммо коммунистлар, чин коммунистларнинг табиати бошқача. Улар учун ҳаёт тажрибаси шундай бир чўққидирки, шу чўққига чиқиб олиб, кўз олдида намоён бўладиган уфқларни яхшироқ кўриш мумкин. Бундай тажриба янгиликни ҳис этиш туйғусини сийқалаштирмайди, балки ўткирлаштиради, бундай туйғусиз ҳаёт, ривожланган социализмни такомиллаштириш практикаси олдимизга қўяётган вазифаларни ҳал этиб бўлмайди.

Хуллас, партия ветеранлари, меҳнат ветеранлари корпуси яхши формада, иш формасида, деб қайд этса бўлади. Бу — жуда қувончлидир. Дарвоқе, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партияда ва халқ орасида ветеранлар ҳамиша бениҳоя иззат-икромга сазовор бўлиб келганлар. Аввал бошда бу сўз «кекса солдат» маъносини билдирганини ўзларингиз биласиз. Энди эса «ветеран» тушунчаси бизда янги, инсонпарварлик маъноси билан тўлди. Чиниққан жангчинигина эмас, у билан бирга кадр ишчи, қишлоқ меҳнатчиси, хизмат кўрсатган олим, артист, муаллим, врачни, уларнинг ҳаммасини миннатдорчилик ва илтифот билан ветеранлар деб атайдилар. Улар куч-ғайратга тўлиб-тошган, юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлган кишилардир. Ватанга, партияга садоқат билан хизмат қилаётган кишилардир.

Ветеранлар — янги турмуш қуришнинг ноёб тажрибаси, бутун инсоният бойлигига бойлик қўшган тажриба соҳибларидир. Бу тажрибанинг тарихий доираси бир неча авлодларнинг зафарларини ўз ичига олади. Назаримда, ҳали яқиндагина революциядан аввалги стажга эга бўлган партия аъзолари, Ленин гвардиясининг букилмас курашчилари ветеранлар деб эъзозланар эди. Сўнгра биз учун дастлабки совет беш йилликлари даврларидаги социалистик мусобақа зарбдорлари, ташаббускорлари ветеранлар бўлиб қолишди.

Сизларнинг орангизда — Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватан ҳимоя қилиб қолинганлиги, душман тор-мор этилганлиги ва шавкатли меҳнат қилинганлиги учун бизнинг астойдил миннатдорчилигимизга сазовор бўлган кишилар ҳам бор.

Замон эса шитоб билан олға бормоқда, шу боисдан ҳозир сиз билан бизнинг замондошларимиз, қўриқ очган, дунёдаги энг катта гидроэлектр станцияларни барпо этган, космосни забт этган кишилар ҳам ветеранлар туркумига қўшиб қўйилмоқда... Шу тариқа замонлар бир-бирига пайваста бўлиб келмоқда. Ҳар бир авлоднинг зиммасига катта муштарак ишдан бир улуш тушмоқда. Коммунистик қурилиш тажрибасининг ўзигина яхлит ва ажралмасдир. Биз унинг бирон-бир қимматли заррасини бой беришга ҳаққимиз йўқ.

Ўртоқлар, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси Сизларни Марказий Комитетга таклиф этар экан, ветеранларнинг тажрибасидан қандай қилиб оқилона ва коммунизм иши учун кўп манфаатли тарзда фойдаланиш хусусида сизлар билан маслаҳатлашишни, шу ҳақда биргалашиб ўйлашиб олишни мўлжаллаган эди. Шу билан бирга, бу ерда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, гап замонамизнинг конкрет вазифаларини, кўп жиҳатдан янги ва янгичасига мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун кекса авлодларнинг тажрибасидан қандай қилиб фойдаланиш тўғрисида бормоқда.

Шу вазифалар ҳақида ўртоқлар гапириб ўтишди. Бу мавзуда менинг ҳам бир неча оғиз сўз айтишимга ижозат бергайсизлар.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари материаллари билан ҳаммаларингиз танишсизлар, албатта. Бу Пленумларнинг материаллари партия XXVI съездининг қарорларини иқтисодий қурилиш ва идеология иши эҳтиёжларига татбиқан конкретлаштириб берди.

Экономика ҳақида гапирадиган бўлсак, ишнинг моҳияти шундан иборатки, биз мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичига, ошиб бораётган имкониятлар ва ўсиб бораётган ижтимоий эҳтиёжлар бутун хўжалик иши даражасини жиддий равишда ошириш, экономика самарадорлигини анча кўтариш, бутун жуда катта хўжалигимизни узлуксиз ишлайдиган, яхшилаб созланган механизмга айлантириш зарурлигини тақозо этаётган даврга кирдик. Партия съездларида ҳам, Марказий Комитет Пленумларида ҳам шу ҳақда гапирилган эди.

Аммо биз шу йиллар мобайнида қилинган ишларни муносиб баҳолаш билан бирга, сўнгги съездлар ўртага қўйган вазифалар ҳали унчалик тўла-тўкис бажарилмаганини тан олмаслигимиз мумкин эмас. Аввало, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш суръатлари бизни қаноатлантира олмайди. Бунинг турли сабаблари бор. Чамаси, биз янги вазифаларни ҳал этиш йўлларини унчалик зўр ғайрат билан қидирмаганлигимиз, кўпинча чалакам-чатти тадбирлар кўрганлигимиз, тўпланиб қолган инерцияни етарли равишда тез бартараф эта олмаганлигимиз ҳам панд берди.

Энди қилинмаган ишларни зудлик билан қилиб олиш керак. Бундай қилиш учун, бошқа ҳамма ишлардан ташқари, планлаштиришда, бошқаришда, хўжалик механизмида ўзгартишларни амалга ошириш зарур бўлади. Янги беш йилликка тамомила шай ҳолда кириш учун мана шундай ўзгартишларни қилишимиз лозим.

Ўртоқлар, бизнинг экономикамиздек катта миқёсдаги ва мураккабликдаги экономикада ғоят эҳтиёткор бўлиш керак, албатта. Етти ўлчаб бир кес, деган мақол шу ерда айниқса ўринлидир. Айни шу боисдан ҳам биз катта-катта қарорлар тайёрлаганимизда ҳар бир масалани жуда синчиклаб ўрганишга интиляпмиз, таклиф этилаётган янгиликлар қандай амал қилаётганини, улар план ва меҳнат интизомига, меҳнат унумдорлигига, умуман ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига қандай таъсир ўтказаётганини шошмай, осойишта ўрганиш учун кенг миқёсда экспериментлар ўтказяпмиз.

Энди идеология иши ҳақида гапирмоқчиман. Биз Пленум ўтказдик. Қарор қабул қилдик, энди асосий иш қилиниши — шу қарор бажарилиши керак. Бу гапнинг амалий маъноси нимадан иборат? Бунинг маъноси шуки, бахтга қарши, ҳали ҳам сўз билан иш ўртасида давом этиб келаётган узилишни бартараф қилиш керак. Бунинг маъноси шуки, одамлар билан жиддий равишда ошкора гаплашишни, ўткир масалаларни четлаб ўтмасликни ўрганиш керак. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир кишини ижтимоий турмушнинг онгли, албатта, онгли қатнашчисига айлантириш учун меҳнаткашларнинг сиёсий маданиятини мунтазам равишда ошириш керак.

Буни биргина сўзлар билан, ҳатто энг яхши, энг соз сўзлар билан ҳам бажариш мумкин эмаслиги равшан. Биз иқтисодий ишни идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳақида ҳақли равишда гапирамиз. Бироқ, идеология ишини иқтисодий жиҳатдан ёки — кенгроқ қилиб айтганда — социал жиҳатдан таъминлаш бундан кўп бўлса кўпки, оз аҳамиятга эга эмас. Чунки ҳар қандай турдаги тартибсизлик, хўжасизлик, қонунларни бузиш, юлғичлик, порахўрлик минглаб агитатор ва пропагандистларнинг ишини қадрсизлантириб қўяди.

Бинобарин, биз идеология ишини яхшилаш ҳақида гапирганимизда, кўп қиррали, комплекс вазифани ўз олдимизга қўямиз, бу вазифанинг ҳал этилиши барча соҳаларда актив ҳаракат қилишни назарда тутади. Бу гап идеологиягагина тааллуқли эмас. Ҳар бир катта вазифа ҳам маънавий, ҳам моддий, ҳам ташкилий омилларни назарда тутадиган комплекс ёндашувни талаб этади.

Мисол учун интизом масалаларини олайлик. Онгли интизом социалистик жамиятнинг табиатига хос хусусиятдир, яхши, ҳалол ишлаш бу интизомнинг натижасидир. Айрим жойларда эса интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги даъватни ҳар бир кишининг ўз иш жойида фалон соатдан—фалон соатгача ҳозир бўлиши устидан қаттиқ маъмурий назорат дебгина талқин этдилар. Албатта, бунга ҳам кўз-қулоқ бўлиб туриш, прогулчиларни жазолаш керак. Бироқ, бошқа ҳақда ҳам ўйлаш лозим. Хўш, ҳар бир киши ўз иш жойида фалон соатдан—фалон соатгача нималар билан шуғулланади, у иш билан қандай таъминланган, у ўз топшириғини қандай уддаляпти, унга унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилганми — мана шундай масалалар ҳақида ҳамма жойда ҳам ғамхўрлик қилинган эмас, ҳолбуки булар—ҳал қилувчи масалалардир.

Ваҳолонки, социалистик интизомнинг моҳияти ҳар бир кишининг ўз иш жойида зўр ғайрат билан ишлашидан иборат. Бунга эришиш кечиккан кишиларни йўлакда ушлаб олишдан кўра қийинроқ, албатта. Аммо бош ва асосий масала мана шундан иборат. Бу ўринда кўп нарса яхши йўлга қўйилган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишга боғлиқлиги табиий. Бироқ, бу иш меҳнатни замонавий усулда ташкил этишга, одамларни оқилона жойлаштириб қўйишга, пишиқ-пухта моддий-техникавий таъминотга, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг хилма-хил форма ва воситаларини такомиллаштиришга албатта таяниши керак. Қисқаси, ҳозиргина мен тилга олиб ўтган маънавий, моддий ва ташкилий омилларнинг уйғунлиги юксак меҳнат маданиятига олиб бориши мумкин, бу эса ишлаб чиқаришдаги тартиб ва интизомнинг энг ишончли гаровидир.

Бу ерда мен мазкур вазифалар ва проблемалар ҳақида гапираётганимнинг боиси шуки, улардан ҳар бирини ҳал қилишда партияга, халққа сизларнинг тажрибангиз ва билимингиз керак, азиз ўртоқлар. Зеро, социал ижодкорлик, келажак сари ҳаракат қилиш ўтмишда орттирилган жамики қимматли тажрибани сақлаб қолишни, кўпайтиришни ҳаққоний равишда тақозо этади. Бинобарин, сизларнинг олдингизда чиндан ҳам жуда катта ишлар турибди, ўртоқлар.

Аммо, ветеранларнинг тажрибаси ва билими айниқса зарур бўлган бир иш участкаси бор. Назаримда нима демоқчи эканимни пайқаб олдингизлар, гап ёшлар билан ишлаш ҳақида боряпти.

Бизнинг жамиятимиздаги авлодлар ўртасида, баъзан айтишаётганидек, оталар ва болалар ўртасида низо йўқ. Аммо бу гапдан бу соҳадаги ҳамма ишимиз силлиққина боряпти деган маъно асло келиб чиқмайди. Чунки ёшлар тўғрисидаги баҳс: улар ўз ўтмишдошларидан ёмонроқми ёки яхшироқми, деган масала устидаги баҳс бирон бир тарзда ҳамиша давом этиб келган. Ёшлари бир жойга бориб қолган кишилар баъзан: ҳозирги ёшларга қаранг-а, бизнинг давримиздаги ёшлар шундаймиди! — деб нолийдилар. Иккинчи томондан, ўзларига ёқмайдиган ҳамма иш учун «оталар»ни гуноҳкор қилишга уринувчи йигит-қизлар ҳам бор.

Ростини айтсам, бу баҳслар менга беҳуда туюлади. Ёш авлод бизнинг авлодимиздан ҳеч ёмон эмас, фақат у бошқача, янги авлоддир. Янги авлодлар эса, ротапринтда олинадиган нусхалар каби аввалгисининг айни ўзи бўлавермайди. Авлодларнинг ҳар бири аввалги авлоднинг тажрибасига муқаррар равишда таяниб, дунёни ўз таъбига кўра баҳолаб ўзлаштиради, бунёдкорлик фаолиятига янги усуллар ва воситалар киритади, ўз замонасининг шароитларига ва вазиятига мослашиб бораверади.

Умуман олганда эса, ўртоқлар, гарчи ҳар соҳада ҳам осон бўлмаса-да,— ҳар бир янги авлод бирон-бир жиҳатдан аввалги авлоддан кучли бўлишини, кўпроқ билишини, олисроқни кўришини эътироф қилмоқ керак. В. И. Ленининнинг: «Биз оталаримиздан кўра яхшироқ курашяпмиз. Бизнинг фарзандларимиз янада яхшироқ курашадилар ва ғалаба қиладилар», деган сўзларини эслатиб ўтмоқчиман. Хуллас, сиз билан биз ёшларга таълим ва тарбия берар эканмиз, Ленининнинг мана шу сўзларини эсда тутишимиз керак.

Дарвоқе, бошқа бир нарсани ҳам унутиш ярамайди. Бошқа ёшларга мансуб кишилар каби ёшлар ҳам ҳар хил бўлади. Ҳозирги йигит ва қизларнинг жуда кўпчилиги — коммунистик қурилишнинг актив қатнашчиларидир, оталар бошлаган ишнинг муносиб ворислари ва давомчиларидир. Айни мана шундай бир шароитда ёшларнинг айрим қисмига хос бўлган текинхўрлик, меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда пассивлик, интизомсизлик сингари фактлар кишини айниқса ранжитади. Ёшлар орасига кириб қолаётган хатарли мешчанлик иллати ҳам ташвишга солмай қола олмайди.

Бундай ҳодисаларга, бундай кайфиятларга қарши қатъият билан курашиш лозим. Биздан кейин қоладиган авлодларни турмушга шундай назар билан қарашга ўргатиш керакки моддий неъматлар (бундай неъматлар бора-бора тобора кўпайиши лозим ва кўпаяверади) инсоният устидан ҳукмронлик қилмасин, балки унинг энг юксак эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бўлсин. Инсоннинг маънавий бойлигигина чинакамига чексиздир. Гарчи бу бойликни ҳамёнга солиб бўлмаса ҳам, кўз-кўз қилиш учун деворга осиб бўлмаса ҳам — биз ана шундай бойликни кўпайтириш тарафдоримиз. Бу — инсонга, совет кишисига муносиб бирдан бир бойликдир.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳам аҳамияти зўр, бу ерда ўртоқлар шу ҳақда тўғри гапиришди.

Умуман ёшларнинг хусусиятларини, улар яшаб турган янги шароитларни эътиборга олиб, улар билан ишлаш ва доимо ишлайвериш керак. Келинглар, масалани шундай тарзда қўяйлик: партиянинг ҳар бир ветерани, ҳар бир меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлиши керак. Бу вазифа қай шаклда амалга оширилиши, ишни қандай қилиб яхшироқ йўлга қўйиш хусусида партия ва комсомол ташкилотлари ветеранлар билан бирга ўйлаб кўришлари лозим.

Ёшлар билан боғлиқ бўлган яна бир мулоҳаза ўртоқлар, ёшлар бизнинг ўринбосаримиз. Бу —сийқа ибора-дек туюлади. Аммо моҳият жиҳатидан бу ибора унчалик сийқа эмас. Замон ёшларнинг фойдасига ишламоқда, ўзи ҳам шундай бўлиши керак. Фақат бизнинг ўрнимизни Октябрь байроғига, Ленин ғояларига асло хиёнат қилмайдиган, ўз ишини миридан-сиригача яхши биладиган кишилар олишларига ишончимиз комил бўлиши муҳимдир. Ветеранларимиз бизнинг муносиб ўринбосарларимизни тайёрлаётганликлари уларнинг партия билан халқ олдидаги жуда катта хизматидир. Ветеранларнинг ўрнини бошланган ишни давом эттиришга, баъзан ҳатто зўр муваффақият билан давом эттиришга лаёқатли кишилар эгалламоқдалар. Ветеран эса бу билан фақат фахрланиши мумкин. Бу — шонли ленинчи партиямизнинг улуғ иши давомийлигини таъминлайдиган чинакам партиявий ёндашишдир.

Якун ясайлик. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ҳамма соҳаларда ветеранларнинг ролини ошириш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушда қатнашиши мавжуд формаларини янада актуал мазмун билан тўлдириш зарурлиги ҳақида бу ерда айтилган фикрга тўла-тўкис қўшилади. Инсон шахсини такомиллаштириш ҳақида гап бораётган, характерлар шакллантирилаётган соҳаларда ветеранлар айниқса муҳим хизматни ўташлари мумкин. Касб-кор маҳорати мактаблари, сиёсий ахборот системаси, армияга чақирилувчилар ва ўспиринлар билан, шунингдек аҳоли билан истиқомат жойида иш олиб бориш, халқ университетлари, фан-техника ижодкорлиги тўгараклари ва группалари, халқ контроли ва бошқа кўп соҳалар мана шулар жумласига киради.

Ветеранлар ҳисобда турадиган партия ташкилотларида уларнинг активлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак, деган фикрга ҳам қўшиламан. Сизларга бир рақамни айтиб ўтмоқчиман: «КПСС сафида 50 йил» нишони топширилган коммунистлар бизда қарийб 220 минг кишига боради. Бу — катта куч. Бинобарин, уларнинг партия ташкилотлари билан алоқаси, баъзан учраб турганидек, аъзолик взносларини тўлаш ва партия йиғилишларида ҳозир бўлиш билангина чекланмаслиги керак. Жумладан, агар коммунистларнинг кекса авлоди 1983 йилнинг охири — 1984 йилнинг бошларида ўтказиш мўлжалланган ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференцияларида фаол иштирок этса, соз бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув

Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ўртоқлар! Айтилган гаплар Советларга, касаба союз ташкилотларига ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Халқ хўжалигининг кўп тармоқларида, армияда жойлардаги кўпгина, партия ташкилотларида мавжуд бўлган ветеранларнинг турли-туман кенгашлари фаолиятини жонлантириш ва унга янги мазмун бахш этиш фойдали бўлур эди.

Хизматларига яраша кексалик гаштини сураётган кўпгина ветеранларнинг баҳоли қудрат меҳнат фаолиятини давом эттириш иштиёқи сингари қувончли фактни ҳам уқтириб ўтмоқ керак. Шу олижаноб иштиёқни рўёбга чиқариш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Бу ўринда хушмуомалалик, диққат-эътибор, ветеранларнинг сиҳат-саломатлигига, уларнинг шахсий муддаоларига эҳтиёткорлик билан қараш, уларнинг ҳар бирига ўз кучига яраша ва кўнглига ёқадиган ишни топиб бериш жуда катта роль ўйнайди. Хуллас, ҳар қандай ҳолатда, ветеранларнинг ўз меҳнати билан ҳисса қўшиши тўғрисида ёки уларнинг ижтимоий фаолияти ҳақида гап боришдан қатъи назар, ветеранларга худди шундай муносабатда бўлмоқ лозим.

Бошқа муҳим масалаларни ҳам четлаб ўтмоқчи эмасман. Қарилик барибир ўз ишини қилади, ветераннинг муносиб равишда дам олишга ўтиши одатдаги ҳаётий стандартлар ўзгариши билан боғланган. Ўзига ёққан иш билан актив шуғулланишдан ажралиб қолиш осон эмас. Инсоннинг ёши ўтиши билан у касалликларга тез чалинаверади. Мана шуларнинг ҳаммаси баъзан нохуш руҳий кечинмаларга сабаб бўлади. Ҳатто энг мукаммал жамият ҳам буларнинг ҳаммасидан батамом халос қила олмайди. Аммо руҳий кечинмалар ва моддий қийинчиликлар мавжуд бўлган жойларда уларни енгиллаштиришимиз мумкин ва лозим.

Яқинда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва граждан уруши қатнашчиларининг шахсий пенсиялари ҳақида қарор қабул қилинди. Бу соҳада бирмунча умумий масалалар ҳам бор. Гарчи молиявий имкониятлар буни биз истаганимиздек тез ҳал қилиш имконини бермаса ҳам, биз мазкур масалалар билан шуғулланаверамиз.

Аммо, ўртоқлар, ҳамма нарса ҳам молиявий имкониятларга боғлиқ бўлавермайди-ку, ахир. Меҳрибонлик кўпроқ бўлсин, оддий инсоний эътибор, хайрихоҳлик, иззат-икром кўпроқ бўлсин. Мана шундай қилиш керак. Зотан, ҳар бир партия ёки касаба союз ташкилоти, ҳар бир давлат муассасаси, ҳар бир меҳнат коллективи ва ҳар бир киши шуни доимо эсда тутиши лозим.

Азиз ўртоқлар, пировардида қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг учрашувимиз тор доирада ўтмоқда. Аммо мен бу учрашувни миллион-миллион ветеранлар билан ошкора гаплашув деб тушунаман. Сизлар каби ҳаёт йўлларидан ўтган барча кишилар бу ерда айтилган гапларни тушуниб қўллаб-қувватлашларига ишончим комил.

Суҳбатда актив иштирок этганингиз учун сизларга кўпдан кўп раҳмат, ўртоқлар. Сизлар айтган фикрларнинг ҳаммаси, сизларнинг ҳамма таклифларингиз жуда синчиклаб ўрганилади.

Сизларга ва сизларнинг ёр-биродарларингизга сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар ва жамики эзгуликларни тилашга ижозат бергайсизлар.

(Давомли қарсаклар).

ДОИМ САФДАМИЗ

(Боши биринчи бетда).

ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини шу руҳда тарбиялашга, ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлашга кўп эътибор бермоқдалар. Ҳозирги кунда Ленинград ишчилари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларидан саккиз юздан ортиқ киши ҳунар-техника билим юртларида ишлай бошлади. Болтиқ заводидан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Василий Александрович Смирнов ва ижорсклик слесарь Афанасий Прокофьевич Михалев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Баррикада» бирлашмасининг арматурачиси Борис Александрович Журавлев ва бошқа кўп кишилар ўз маҳоратини, бой ҳаёт тажрибасини ёшларга ўргатмоқдалар.

Ҳаммамиз ёшлар билан ҳар бир учрашувимиз йигит ва қизларга ғоявий сабот-матонат ва совет ватанпарварлиги куч-ғайратини бағишлашга интиламиз. Айни вақтда ўзимиз кексайиб қолганлигимизни ҳам эсдан чиқариб қўямиз!

Биз ёшлар билан учрашганимизда кўпинча ҳаётга истеъмолчилик нуқтаи назаридан қарашни, йигит-қизларнинг бир қисми ўртасида бировга боқим бўлиш кайфиятларини кўрамиз. Буни аввало, уларга меҳнат тарбиясини бериш проблемалари билан изоҳлаш мумкин. Бизнинг фикримизча, Марказий Комитетнинг июнь Пленумида мактабларимизни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала ўз вақтида ўртага қўйилди.

Олимларимиз ва мутахассисларимиз мактабни қайта қуришнинг конкрет йўлларини ва формаларини таклиф этадилар, албатта. Аммо бундай қайта қуришнинг моҳияти, бизнинг фикримизча, мактабнинг таълимни унумли меҳнат билан яхшироқ боғлаб олиб боришдан, йигит ва қизларга умумий маълумот бериш билан бир қаторда уларга ишчи касбини ўргатишдан ҳам иборат бўлиши керак. Ленинградда ва Ленинград областида ҳунар-техника билим юртлари системаси орқали ўрта маълумотли малакали ишчилар тайёрлаш соҳасида катта тажриба тўпланди. Бизнинг фикримизча, бу тажрибадан яхшироқ фойдаланиш керак.

Оилада тарбия масаласига ҳам талабчанлик билан ёндашиш зарур. Болаларнинг феъл-атвори ва маънавий қиёфаси учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида мавжуд практикадан ҳамда меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонундан кенг фойдаланиш лозим. Аввало, коммунист ота-оналар олдига қаттиқроқ талаб қўйиш керак.

Юрий Владимирович, КПСС Программасининг янги таҳрирда тайёрланиши муносабати билан Сиз изҳор қилган қоидалардан ҳаммамиз астойдил мамнун бўлдик. Бу қоидалар партия Программасининг ҳозирги вазифаларни реалистик асосда таҳлил этиши, келгусидаги вазифаларни аниқ белгилаб бериши учун яхши ғоявий, назарий ва сиёсий негиз яратиб беради.

1932 йилдан буён КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **П. Д. Бородин** сўзга чиқади. Мен бугун, деди у, зўр мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истайман: совет кишилари Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини астойдил маъқуллайдилар. Бу қарорлар бизнинг бутун ҳаётимизга, ҳамма ишимизга ғоят самарали таъсир кўрсатмоқда.

Давлат ва жамоат ҳаётига доир йирик масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилишдан олдин уларни меҳнат коллективларида муҳокама қилиш чинакам ленинча анъанадир. Мен буни ЗИЛ заводи кўп минг кишилик коллективи тажрибасидан яхши биламан. Мен 20 йил бу заводнинг директори бўлиб ишладим ва шу вақтгача у билан маҳкам алоқа боғлаб келмоқдаман. Марказий Комитет меҳнат интизоми тўғрисидаги қарорни қабул қилишдан олдин кўпгина меҳнат коллективларини, шу жумладан ЗИЛ коллективини ҳам лойиҳа билан таништирди ва уларнинг фикрини суриштириб билди. Бу — кишиларга жуда мақбул бўлди. Улар бу нарса чинакам совет демократиямизни, партиянинг омма билан алоқасини яққол ифода этади, демоқдалар.

Биз ҳозирги пайтда экономика соҳасида бир қанча асосий вазифаларни ҳал этмоқдамиз. Меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш ва фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш — шу вазифаларнинг энг муҳимидир. Шу муносабат билан баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтишни истайман. Бизда янги техникани жорий этиш суръатлари ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги кундагидан анча юқори бўлиши учун ҳамма имкониятлар мавжуддир.

Бинобарин пировард натижада техника тараққиётининг негизи бўлган тармоқларни — замонавий электрон-ҳисоблаш техникасини, технологик ускуналарни бошқариш универсал системаларини, автоматлаштирилган лойиҳалаш воситаларини, станоксозликни, робототехникани, янги прогрессив материалларни ишлаб чиқаришни илдам ривожлантиришни таъминлаш учун амалий чоралар кўриш керак. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши шу нарсага бевосита боғлиқдир. Бу, шунчаки оддий вазифа эмас, аммо саноатни техника билан қайта таъминлаш имконини берадиган ва узоқ вақтга мўлжалланган комплекс тармоқ программасини ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

Яқинда «Саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналар)нинг планлаштириш ва хўжалик фаолиятидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда иш натижалари учун уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу қарор кенг кўламда иқтисодий эксперимент ўтказишни кўзда тутади, жумладан, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтиради.

Бу қарорни турмушга татбиқ этганда социалистик асосда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда ишлаб чиқариш коллективларининг роли ва масъулиятини ошириш, шу жумладан кам харажат билан фан тараққиёти ютуқларини жорий этиш фойдали бўлур эди. Корхоналар капитал қурилиш учун керакли маблағларни юқори органлардан илтимос қилиб ўтирмай, балки ишлаб топишлари керак. Шундай қилганда улар бу маблағларни ғоят тежаб сарфлайдилар. Ишлаб турган корхоналарнинг имкониятлари тамом бўлганидан кейингина янгисини қуришга киришадилар. Бунда ривожланиш фонди ўзининг муҳим аҳамиятини касб этади.

1918 йилдан буён КПСС аъзоси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, КПСС XXVI съездининг делегати, Киев шаҳри Печера райони партия ветеранлари кенгашининг раиси **В. И. Киселев** ўз нутқида бундай деди: партия раҳбарларининг кекса большевиклар билан учрашувида қатнашиш шу залда ҳозир бўлган кишилардан ҳар бири учун катта шарафдир. КПСС Марказий Комитетидаги шу учрашув ҳар бир ветеранни астойдил қувонтиради, бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

КПСС Марказий Комитети кейинги вақтларда кўп иш қилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида мунтазам хабар бериб турилганлиги ҳам унинг ҳормай-толмай ишлаётганлигини тасдиқлайди. Мен ўртоқларим билан учрашганимда, меҳнат коллективларида бўлганимда кишилар партиянинг ишлаб чиқаришни интенсивлашга, интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини якдиллик билан маъқуллаётганлигини кўраман. Бу — барча планларимизни бажаришнинг, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг зарур шартидир. Шу боисдан ҳаммамиз ҳар қандай бузишларни йўқотиш учун, ҳар қандай даражадаги ходимларга — ишчидан тортиб министргача, оддий коммунистдан тортиб партия комитетининг секретаригача юксак талабчанлик учун жон-дилимиз билан овоз берамиз.

Озиқ-овқат ва энергетика программалари тинч давр вазифаларини ҳал этишга, мамлакатнинг қудратини ўстиришга қаратилган. Июнь Пленумида энергетика программаси ҳозирги шароитнинг ўзига хос ГОЭЛРО плани деб аталди. ГОЭЛРО планини бажаришда қатнашиш — таржимаи ҳолимнинг бир қисмидир. Мен 1920 йилнинг декабрида Советларнинг VIII Бутунроссия съездида бу планни қабул қилишни ёқлаб овоз берган эдим. Шундан кейин ана шу улкан планни амалга ошириш учун меҳнат қилдим. Буюк ишлар эстафетаси давом этаётганлигини кўриш билан бахтиёрмиз!

Аммо янги жамиятни муваффақиятли вужудга келтириш, порлоқ истиқболни барпо этиш учун аввало киши ўзини шакллантириши, коммунистик ғояларни амалга ошириши учун саботли, эътиқодли курашчини камол топтириш керак. Биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ёшларни фойдали меҳнатга, жамоат ишларига кенгроқ жалб этиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш тўғрисида берган йўл-йўриқлари тамомила тўғри деб ҳисоблаймиз.

Ёшларни ишонч билан, масъулиятли топшириқлар билан тарбиялаш керак. Гражданлар уруши, Ватан уруши йилларида йигитчалар бўлинмаларга командирлик қила олганлигининг боиси нима? Ёки бутун мамлакатга донги кетган механизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Александр Васильевич Гиталовни олиб кўрайлик. У ўн уч ёшидаёқ тракторни бошқарган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин! Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда ёши бундан икки баравар катта бўлган мутахассисни кўпинча ҳали етилмаган деб ҳисоблайдилар. Баъзан унга мустақил иш топширишга журъат этмайдилар. Бундай ҳолат ёшларимизнинг бир қисмида ижтимоий пассивликни туғдирмайдими?

Совет Украинаси пойтахтининг партия ветеранлари, деди сўзининг охирида В. И. Киселев, бизда кекса большевиклар тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига самимий миннатдорчилик изҳор этишни мендан илтимос қилдилар. Бизнинг руҳимиз бардам. Қалбимиз уриб турар экан, умумий бахт-саодат йўлида жонбозлик билан ишлайверамиз, улуғ Ленин иши учун курашаверамиз.

«Ростсельмаш» заводининг рандаловчиси, заводда кўп станокчилар ҳаракатининг ташаббускори, Донда коммунистик меҳнат дастлабки зарбдорларидан бири **П. К. Колесников** сўз олади: мен яқинда 80 ёшга кираман, меҳнат стажим 60 йилдан ошиб кетди, 52 йилдан буён «Ростсельмаш» заводида ишлаб келмоқдаман. Мен ҳали бақувватман, ишни ташлаб кетиш ниятим йўқ ва жонажон заводимда яна рандаловчи бўлиб ишлайман. Шогирдларимнинг кўпи менинг ишимни давом эттираётганлиги билан фахрланаман.

Ярим асрдан буён Ленин партияси сафидаман. Партиямиз қандай ўсганлигини, ички ва халқаро ишларда унинг обрўси қанчалик буюк эканлигини, у халққа садоқат билан хизмат қилаётганлигини кўриш мени қувонтиради. Партия мамлакатимизнинг янада мустаҳкам бўлиши, кишиларнинг эса янада яхшироқ яшаши учун ҳамма ишни қилаётганлигини биламиз. Партиянинг сиёсати — бизнинг сиёсатимиз, халқимизнинг сиёсатидир.

Юрий Владимирович, Сиз Москва станоксозлари ҳузурида сўзлаган нутқингизда «Дон-1500» қишлоқ хўжалиги учун керакли машина деган эдингиз. Сизнинг бу сўзларингиз биз, ростсельмашликлар учун партия топшириғидир. Мен янги комбайнни планга мувофиқ ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда, деб партия Марказий Комитетига маълум қила оламан. Аммо шу нарсани очиқ айтиш керакки, биз барча имкониятларимизни ишга туширганимизда кўпроқ натижаларга эриша олган бўлур эдик. Бизда фойдаланилмаган резервлар ҳали кўп.

Лоақал интизом масаласини олиб кўрайлик. Ишчилар интизомни мустаҳкамлаш ҳақидаги тадбирларни маъқулладилар. Ишчилар ана шу тадбирларни кўриш пайти келди, бу тадбирлар бизнинг манфаатимизга мос бўлиб тушади, деб айтмоқдалар.

Ношуд кишилар ҳали кам эмаслигини айтиб ўтиш керак. Бундай кишилар коммунистлар орасида ҳам бор — улар хўжакўрсинга ишлайдилар, камчиликларга эътибор бермайдилар. «Бунинг менга дахли йўқ» принципи билан яшайдилар. Менинг фикримча, бепарволик ҳозирги кунда ҳам энг ёвуз нарса бўлиб қолмоқда. Бизда бамисоли раҳмдил кишилар анча кўпайиб қолганлигини очиқ айтиб ўтмоқчиман. Халқнинг, мамлакатнинг манфаатлари тўғрисида гап борганида ҳаммамиз қаттиққўл бўлишимиз керак.

Мастернинг роли ҳақида икки оғиз сўз. Мастер энг обрўли киши бўлган пайтлар хотирамда яхши сақланиб қолган. Ҳозир эса ўз заводимга қараб фикр юритганда мастернинг роли пасайиб бораётганлигини кўрамиз. Баъзан ҳатто унинг фикри билан ҳам ҳисоблашмайдилар. Мастернинг меҳнатига тўланадиган ҳақ тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Хуллас, мастернинг обрўси юксак даражага кўтарилиши керак. Мастер — бу интизом, бу — сифат, бу — меҳнат унумдорлиги демакдир.

Ичкиликбозлик каби салбий ҳодиса ҳам ишчиларни ҳаяжонлантиради. Чайқовчилик, порахўрлик, айрим шахсларнинг жамият ҳисобига бойиши каби фактлар ҳали кўп учрайди. Истеъмол тўғрисида алоҳида гапириб ўтишни истайман. Баъзан энг зарур моллар тўғрисида эмас, балки зебу-зийнат буюмлари тўғрисида гап боради. Истеъмолчилик эҳтироси баъзан авжига миниб кетади. Менинг фикримча, меҳнат ва истеъмол меъёри устидан қаттиқроқ контрол ўрнатиш керак. Шундай масалани ҳам ўртага қўйиш пайти келди. Маълумки, бизда меҳнат ҳақи асосан шу тахлитда тўланади: кўпроқ ишлаган бўлсанг, кўпроқ ол. Ҳозирги кунда бу масалага янгича ёндашиш керак: яхшироқ ишлаган бўлсанг, кўпроқ ол. Иш ҳақини меҳнатнинг сифати билан маҳкам боғлаб олиб бориш лозим.

П. К. Колесников ўз нутқининг охирида бундай деди: ҳозир дунёдаги вазият нақадар қалтислигини биламиз. Душманлар бизнинг ҳаракатимизни секинлаштириш, иложи бўлса коммунизмни тугатиш пайига тушиб олганлар. Аммо биз аждодларимизнинг: бизга яхши ният билан келган кишиларга қучоқ очамиз, қилич кўтариб келган кимсалар эса қиличдан ҳалок бўлади, деган васиятини эсдан чиқармаймиз. Душманларнинг шум ниятларини барбод қилишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса жонажон Ватан қудратини мустаҳкамлашдир. Биз ҳам шу қудратни ўз меҳнатимиз билан кўпайтириш учун кучимизни аямаймиз.

Белоруссия деҳқончилик илмий-тадқиқот институти кузги дон экинлари селекцияси ва бирламчи уруғчилиги бўлимининг мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби **Н. Д. Мухин** сўзга чиқади: Ленин партияси раҳбарлигидаги совет кишиларининг барча авлодлари меҳнати билан бунёд этилган экономика, унинг ҳозирги ривожланиш миқёслари ва имкониятлари, деди у, давлат план ва меҳнат интизомини янада кучайтиришни талаб қилади. Дуруст интизом бўлмаса, биз олға томон тез бора олмаймиз. Бироқ, ҳар қандай катта ишда бўлгани каби бизда ҳам олға ҳаракатга халақит бераётган, мамлакатимиз экономикасига катта зарар етказаётган иллатлар бор. Прогулчилар, учарлар, жамият ҳисобига бойлик орттиришга интилувчи кишилар борлиги мана шу иллатлар жумласига киради.

Баъзи раҳбарлар орасидаги интизомсизлик, масъулиятсизлик ҳам экономикамизга катта зарар етказмоқда. Хўш, баъзан нималарни кузатиш мумкин? Айрим ходимлар планларнинг, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаяптилар. Шунда ҳам улар ялло қилиб юришибди. Улар ишни барбод қилсалар ҳам йиллар бўйи лавозимларни эгаллаб келмоқдалар. Мана шундай раҳбарларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, ишлашни билмайдиганларини эса бўшатиш керак.

Партия билан ҳукумат биз, олимларга ҳар томонлама мадад ва эътибор бермоқдалар. Мамлакатимиз олимлари партиянинг меҳрибонлигига жавобан илм-фанни янги-янги кашфиётлар ва ихтиролар билан бойитдилар. Аммо биз ҳамма илмий ишлардан ҳам тегишли самара оляпмизми? Афсуски, йўқ. Уларнинг кўплари шкафларда ётавериб эскириб қолмоқда, ҳолбуки улар учун вақт, куч ва маблағ сарфланган. Менинг назаримда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш системаси ва аниқ механизми пухта равишда ишлаб чиқилган эмас.

Бизда нақадар мураккаб муаммолар пайдо бўлмасин, агар партия, КПСС Марказий Комитети киришадиган бўлса, улар шак-шубҳасиз муваффақиятли ҳал этилишини яхши биламиз. Шу сабабли, чамаси, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масаласи КПСС Марказий Комитетида муҳокама қилинса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаши турган гап.

Пировардида Н. Д. Мухин бундай деди: биз уруш фожиасини яхши билувчи ветеранлар КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг тинчликсевар сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаймиз. Дунёдаги вазият кескинлашди, уни американлик империалистлар чигаллаштирмоқдалар. Аммо совет кишиларини чўчитиб бўлмаслигини улар билишлари керак.

Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги жуда катта, чинакам баҳодирона иш учун КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ўртоқларим — Совет Белоруссияси партия ташкилотининг ветеранлари номидан самимий миннатдорчилик ва ташаккур сўзлари айтишга ижозат бергайсизлар. Биз, кекса авлод коммунистлари Ленин партиясига бундан буён ҳам садоқат билан хизмат қилаверамиз, коммунизм қурилиши муштарак ишига кучимиз етганча ҳисса қўшаверамиз, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда беришга рухсат этгайсизлар.

Инженер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, РСФСРда хизмат кўрсатган механизатор **В. М. Бахолдина** сўз олади. Кекса авлоднинг тажрибаси, дейди у, — бутун кучни садоқат билан сарфлаб ишлаш, партия ишига ва Ватанга чексиз эътиқод намунасидир. Шу тажриба сақлаб қолинаётганлиги ва кўпайтирилаётганлиги биз, ветеранларни айниқса қувонтиради.

Мен бахтиёр тақдир соҳибасиман. Умр бўйи мен ҳалол меҳнат қилишга интилганлигим ва оддий тракторчидан Олтой ўлкасидаги Шипунов МТСининг директоригача бўлган йўлни босиб ўтганлигим бунинг учун асос бўлди, деб ҳисоблайман. Кексайиб қолган бўлсам ҳам, давлат қишлоқ хўжалиги техника назоратида инженер бўлиб ишлаб, район хотин-қизлар механизаторлари отрядига бошчилик қиляпман. Ўз ҳаётим босқичларини бир ипга тизиб, шуни айтмоқчиманки, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг тарихий қарорлари барча совет кишилари қатори мен учун ҳам янги палла бўлди.

Қишлоқнинг меҳнатчи аёли бўлганим учун ҳам Озиқ-овқат программаси менга жуда азиз, албатта. Бу программани КПСС Марказий Комитети белгилаб берганидек, ҳар бир кишининг уюшқоқлиги, интизоми, ҳалол меҳнати билан, қишлоқларимизга кўплаб берилаётган қудратли техникадан яхшироқ фойдаланиш билан ҳал этмоқ керак.

Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда ишчилар етишмаётганини тез-тез эшитиб турамиз. Буни илмий ибора билан: демография деб изоҳлашади. Аммо мана шу демография нега бошқарув аппаратига дахл қилмаган? Бу аппарат ўсиб бормоқда, буни ҳамма кўриб турибди. Идораларда, трестларда, бошқармаларда, бирлашмаларда бўш ўрин йўқ.

Буни тўғри деб бўладими, ахир? Бевосита моддий бойликлар ишлаб чиқарилаётган иш жойлари биринчи галда тўлдирилса фойдалироқ бўлмайдими, ахир. Демография ишкалликлари биринчи галда идораларга таъсир қилсин, ишлаб чиқариш эса одамлар билан ҳам, материаллар билан ҳам, зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлансин.

Меҳнат интизоми ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Менинг фикрим шу: иш учун қанча керак бўлса шунча ишламоқ керак. Илгари қишлоқда ўрим даврида дам олиш куни, ҳатто иккита дам олиш куни бўлиши, туристик сафарга жўнаб кетиш, отпуска олиш деган гаплар бўлмас эди. Энди бўлса, энг долзарб пайтдан пичан ўрими, ҳосил йиғими даврида, ҳар дақиқа ғанимат бўлган пайтда айрим жойларда фақат бир смена ишламоқдалар, ҳар якшанба куни дам олмоқдалар.

Меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масаланинг қўйилиши халқ орасида жуда яхши кутиб олинди. Афсуски, баъзида интизомни раҳбарларнинг ўзлари бузадилар. Одамлар лавозими катта бўлган кишининг феъл-атворини сергаклик билан кузатиб турадилар ва унинг томонидан бўладиган андаккина интизом бузиш ҳоллари ҳам таъналарга сабаб бўлади. Шуни айтиш керакки, кадрлар тўғрисидаги ғамхўрликни баъзи кишилар бир жойда ўн йилларгача ўтириб қолавериш, иш тўғрисида ўйлашдан кўра ўзи ҳақида кўпроқ ўйлаш, деган тарзда тушундилар. Баъзи бошлиқни бошқа ишга ўтказиш ҳам осон бўлмай қолди.

Болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун ота-оналарнинг масъулиятини ҳам ошириш керак. Бу тарбия эса катталарнинг тажрибасига, уларнинг намунасига таянади. Ишни меҳнат деб аташлари бежиз эмас. Чунки у пешона тери тўкиб ишлашни талаб қилади. Бас, шундай экан, ёшларни ҳам ҳафсала билан меҳнат қилишга ўргатиш керак.

Мен ўз фикрларимни бу ерда ошкора ўртоқлашганимнинг боиси шуки, севикли Ватанга, жонажон партияга ўртага қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этишда баҳоли қудрат ёрдам беришни ҳаётнинг том маъноси деб биламан.

Партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлиги кўп қирралидир, деди ўз нутқида истеъфодаги генерал майор **М. Д. Тошмуҳамедов**. Бу ғамхўрликни аҳолининг барча табақалари сезиб турибди, у мамлакатнинг ҳамма республикалари ва регионларига ёйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси республика пойтахти — Душанба шаҳар хўжалигини ривожлантириш тадбирларини маъқуллаганлиги ҳақидаги хабар яқинда Тожикистонни чуқур тўлқинлантирди. Бу эса ленинча миллий сиёсатнинг яна бир яққол намоён бўлишидир. Партиянинг ҳар бир қарори, унинг барча режалари ва ишлари бир мақсадга — меҳнат аҳли яхшироқ яшашига қаратилгандир.

Биз янги ҳаёт барпо этиш бахтига мушарраф бўлдик. Бинобарин халқимиз шахдам қадамлар билан олға бораётганлигини кўрганингда қалбинг қувонади. Энг дадил режалар кўзимиз ўнгида рўёбга чиқарилмоқда, бу режалар ҳақида биз ўзимиз ҳам фақат орзу қилишимиз мумкин эди. Ватаним — Тожикистон тоғларида Норак денгизи кенг қулоч ёзди. Рогунда янги гигант бунёд этилмоқда. Кўп километрли туннел тоғ тизмасини тешиб ўтмоқда. Туннелдан яқин вакт ичида Данғара даштига сув оқа бошлайди. Бинобарин буни эртаклардаги қаҳрамонлар эмас, балки совет кишиларимиз, халқ бажармоқда.

Ҳаётимнинг кўп қисми армия билан, сиёсий иш билан боғланган, деб сўзини давом эттирди М. Д. Тошмуҳамедов, бинобарин мен кўпгина нарсаларга ўз шахсий тажрибам орқали назар солмоқдаман. Взвод бораётганида, солдатлардан бири адашиб, оёғини тўғри босмайди, натижада бутун саф бузилади. Бундай солдат билан гаплашганингда кўпинча унинг оёқлари эмас, балки боши айбдор эканлиги маълум бўлади. Унинг онги оқсайди, унда батартиблик, интизом йўқ. Ана шундай «оқсоқлик»дан командир, раҳбар қийналса бундан ҳам ҳунукдир.

Партия одамларнинг онги орқали, уларнинг масъулиятини уюшқоқлигини интизомини ошириш орқали олға қараб қилаётган ҳаракатимизни жадаллаштириш чораларини кўрмоқда. Бу чоралар менга ғоят тушунарлидир.

Мен ҳарбий киши сифатида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, уларни Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш тўғрисида тез-тез фикр юритаман. Жаҳонда вазият шундайки, истаган кунда, истаган соатда қуролни шай қилиб туриш лозим. Ҳар бир йигит Ватан ҳимоячиси эканлигини ва шу боисдан маънавий ва жисмоний жиҳатдан тўла жанговар шай ҳолда туриши лозимлигини унинг онгига етказиш муҳимдир. Бу соҳада ёшларга кўмаклашиш бизнинг бурчимиздир.

1931 йилдан бери КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қозоғистон ССР Толдиқўрғон областидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси **Н. Н. Головацкий** сўзга чиқади. Мен бу ерда Совет Қозоғистони вакили сифатида қатнашишдек буюк шарафга муяссар бўлдим, дейди у. Барча совет кишилари сингари Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам партиямизнинг ленинча йўлини унинг ички ва ташқи сиёсатини чексиз маъқуллаб, ўз тинимсиз меҳнатлари билан қўллаб-қувватламоқдалар. Омманинг мислсиз меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини жўш урдириб юборган КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорлари амалга ошмоқда, жонли мазмун билан бойиб бормоқда.

Мен 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён колхозга бошчилик қилмоқдаман. Шу йиллар мобайнида кўп нарсаларни кўрдим, кўп нарсаларни бошимдан кечирдим. Шу йилги ҳосилни ўз вақтида ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, умуман беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш ҳозирги кундаги асосий ишдир. Коллективимизнинг куч ғайрати ҳам ана шу вазифаларга бўйсундирилган. Биз йил сайин давлатга 4 миллион пуддан кўпроқ дон етказиб бермоқдамиз. Шу нарсани хурсандчилик билан маълум қиламизки, дон етиштириш юзасидан беш йиллик план уч йилда бажарилади. Бу йил биз давлатга 7 минг тонна, яъни икки йиллик план миқдорида гўшт етказиб беришга қарор қилдик. Бу эса бизнинг Озиқ-овқат программасини бажариш ишига қўшган конкрет ҳиссамиз бўлади.

Биз эришилган муваффақиятлар бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкинлигини тушунамиз. Мен бу учрашувга тайёргарлик кўра туриб бугунги кунда бизга ҳали нималар етишмаётганлиги тўғрисида кўп ўйладим. Аввало бизни қишлоқда одамларнинг муқим ишлаб қолиши ва ёшларни қишлоқда ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш проблемаси тўлқинлантирмоқда. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, йигит ва қизларга ерга, ғаллакорнинг, чорвадорнинг меҳнатига ёшликданоқ муҳаббат ҳисларини сингдириш керак. Бинобарин, давлат ўқув системаси ва ёшларни ҳунар-техника жиҳатидан тайёрлаш ана шунга қаратилиши лозим. Шу масала юзасидан бундан аввал сўзга чиққан ўртоқларнинг айтган таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман.

Биринчи марта ишлаб чиқаришга келган йигитга ташкилотчилик кўникмалари, одамлар билан ишлаш маҳорати бугунги кунда ниҳоятда етишмайди. Қишлоқ хўжалик институтлари ва техникумларни битириб чиққан ёш мутахассисларнинг мамлакатдаги илғор совхоз ва колхозларда мажбурий стажировкасини ўрнатиш айни муддао бўлур эди. Бу эса уларга қишлоқда бажонидил меҳнат қилиш истагини сингдиришга кўмаклашган бўлур эди. Ўшанда ёш агроном асфальтда пиво сотиш, зоотехник эса магазинда гўшт билан савдо қилиши сингари иллатлар ҳам эҳтимол бўлмас эди. Бу соҳада афтидан қонун чиқариш чоралари камлик қилса керак. Беихтиёр ўзингга шундай савол берасан: нима учун мутахассисга кам малакали ишни бажариш фойдали бўлар экан?

Бугунги кунда биз илмий муассасалардан кўп нарса кутмоқдамиз. Мисол учун бизнинг колхозимизда маккажўхори дони етиштириш, уни ўриб-йиғиб олиш, калибровка қилиш соҳасидаги ишларнинг кўпгина турлари қўл билан бажарилади, бу эса кам унумлидир. Бизда ихтисослаштирилган машина-механизмлар кам. Қишлоқ хўжалиги олдида катта-катта вазифалар турибди. Бундай вазифаларни бажариш учун биз, практика ва фан кишилари биргаликда жавоб беришимиз лозим.

Н. Н. Головацкий сўзининг охирида бундай деди: партия сўзи ҳамиша реалликка, жонли ишларга айланиши учун, ривожланган социализмнинг янгидан янги ютуқларида мужассамланиши учун куч ва ғайратимизни аямаймиз деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветерани **Е. Ж. Чанишев** сўз олади. Мен 1917 йилнинг 15 мартидан буён партия сафидаман ва 45 йилдан бери қаҳрамон Қизил Армия сафида хизмат қилдим, деди у.

Мен Ленин билан икки марта митингда ва партиянинг X съездида учрашиш бахтига муяссар бўлганман. Партиямиз ва халқимиз улуғ Ленин раҳбарлигида ниҳоятда оғир шароитларда ички контрреволюция ва интервентлар устидан ғалаба қозониб, социализм негизларини барпо этишга киришди. Биз бунга қандай эришдик? Мен бу ерда фақат икки нарса ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, Владимир Ильич партияда мустаҳкам интизом бўлиши тўғрисида, партия аъзолари —большевикларнинг авангардлик роли ҳақида доимо ғамхўрлик қилди. Иккинчидан, Ленин раҳбар коммунистлардан қаттиқ талаб қилди.

Биз Ленин меҳрибон эди деймиз. Бу эса ҳақиқатдан ҳам шундай. Лекин гап партия манфаатлари, халқ манфаатлари ҳақида борганида у ана шу манфаатларга қарши чиққан кишиларга нисбатан ҳеч кимга либераллик қилиш имконини бермас эди.

Партия Марказий Комитетининг раҳбарлари ишларни ленинчасига, большевикчасига олиб борганлигидан биз ғоят мамнунмиз. Бинобарин, биз умумий фаровонлик тўғрисида, иш тўғрисида ўйламай, балки шахсий фароғати ҳақидагина ўйлаётган кишиларга нисбатан либераллик қилмасликни сиздан илтимос қиламиз.

Ю. В. АНДРОПОВ: Биз шундай қилмасликка ваъда берамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Мен ўртоқлар ҳарбий қисмларда тез-тез бўлиб тураман, деб сўзини давом эттирди Е. Ж. Чанишев. Армиядаги ёшларимиз ажойиб билимли, мард ёшлардир. Лекин жанговар меҳнат ғоят машаққатлидир. Чунки икки йил ичида замонавий техникани эгаллаб олиш, маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам ватанни мудофаа қилишга шай бўлиш лозим. Шу боисдан биз, ветеранлар ёшларни совет армиясида хизмат қилишга, совет солдати ва офицери мавқеини юқори кўтаришга тайёрлашда кўмаклашишимиз керак.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Москва «Метрострой» бошлиғининг ўринбосари **Т. В. Федорова** сўз олади. Москвалик комсомоллардан 10 минг киши ноёб, синаб кўрилмаган қурилишга— Москва метросига келган пайтдан буён бу йил ярим аср ўтди, деди у. Бизнинг тўрт орденли коллективимизда кўпгина ажойиб кишилар ўсиб етишганлигидан, кўпгина метросозлар ва метрополитенлар ҳозирдаёқ мамлакатимизда ишлаб турганлигидан бугун биз ғоят бахтлимиз.

Бугунги кунда армиядан, бошқа область ва шаҳарлардан комсомоллар метро қурилишида қатнашмоқ учун Москвага, Ленинградга келмоқдалар. Булар ажойиб йигитлардир. Улар 30-йиллар кўнгилли комсомолларнинг ворисларидир. Шу боисдан уларга нисбатан зўр эътибор билан муносабатда бўлиш керак. Улар бунга сазовор бўлдилар. Бунда аввало гап уларга ўз вақтида уй-жойлар бериш ҳақида боради. Оилали бўлишга қарор қилганлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Бу эса ёшларга кўпгина оилавий чигалликлардан халос бўлишга кўмаклашган бўлурди, пировард натижада эса яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилишга ёрдам берарди.

Иккинчиси. Одамларга бошчилик қилиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлиш тўғрисида бу ерда ўртоқлар тўғри гапирдилар. Аммо шундай раҳбарлар ҳам борки, улар айрим ҳунук ишларга йўл қўядилар. Киши хизмат мавқеидан фойдаланиб ўзига дача қуриб олса, ўз корхонаси ҳисобига бойлик орттирса ёки шунчаки ўз обрўйини йўқотса, у ҳолда қандай маънавий ҳуқуқ ҳақида гап бўлиши мумкин. Биз бундай кишиларга нисбатан муросасиз, талабчан бўлишимиз керак.

Мен сўзимнинг охирида ишчилар синфи ветеранлари номидан шуни айтмоқчиман: биз партиянинг содиқ жангчилари сингари ҳамиша у билан биргамиз ва Марказий Комитет қабул қилган қарорларни бажаришда бутун кучимиз билан унга кўмаклашамиз, чунки бу қарорлар мамлакатимиз учун, халқимиз учун ҳаётий муҳимдир.

Сўнгра ҳозир бўлганлар томонидан, самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **Ю. В. Андропов** нутқ сўзлади.

(Ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи газетанинг биринчи ва иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

* * *

Партия ва меҳнат ветеранларининг КПСС раҳбарлари билан бўлган самимий, ўртоқлик вазиятидаги учрашуви тугайди. Ветеранлар ўзларининг бутун кучлари, билимлари, тажрибаларини Ватанни социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга, унинг қудратини ва халқ фаровонлигини кўпайтиришга, жанговар ўринбосарларимиз —совет кишиларининг ёш авлодини тарбиялашга зўр ғайрат билан сарфлаймиз, деб партияга, унинг Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ваъда берадилар. (ТАСС)

Тошкентим, довруғинг тилларда достон
Бугун мадҳинг куйлар ҳур Ўзбекистон.

«Тошкент таронаси» конкурси давом этмоқда. Редакциямизга иттифоқдош республикалардан, Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан йўлланган кўплаб мактублар кетма-кет келиб турибди. Мактубларнинг муаллифлари ўзларининг шеър ва ҳикоялари, очерк ва мақолаларида республикамиз пойтахти, дўстлик ва тинчлик шаҳри бўлиб қолган Тошкентни, унинг меҳнатсевар, фидойи кишиларини мадҳ этганлар.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган ижод гулдастаси республикамизнинг турли областларида яшаб ижод этаётган қалам соҳибларининг асарларидан ташкил топган.

● Тўра СУЛАИМОН Сирдарё областида яшаб ижод этаётган шоирлардан бири. Шеърият мухлислари унинг халқ оғзаки ижоди анъаналари руҳида битилган шеърлари ва достонларини яхши биладилар. Шоирнинг бир неча шеърий тўплами чоп этилган.

ПОЙТАХТ МЕТРОСИ

Бекат билан бекатнинг ораси кўз-қош янглиғ.
Безаклари анвойи—нуқра, тамал тош янглиғ.
Ер тагида порлаган юлдуз ё қуёш янглиғ,
Камдан камдир қиёси,
Тошкент метроси.

Шаҳар шон-шавкатига бирам ярашиб тушмиш,
Кошинлари ой билан ҳусн талашиб тушмиш,
Йўловчилар тилида мақтови ошиб тушмиш,
Фаровонлик белгиси,
Тошкент метроси.

Манзилинг яқин этиб, дилни чароғон қилур,
Афзаллигин қадамда кўз-кўз, намоён қилур.
Уруниб-суриниш йўқ, кўрмаган армон қилур
Мудом бирдай ҳавоси
Тошкент метроси.

Боболар қилмиш орзу шундай ёруғ кунларни,
Сизу биздай йўли оқ, ризқ-рўзи бутунларни.
Раҳнамомиз ечолди ечолмас тугунларни
Тун-кун бирдай зиёси
Тошкент метроси.

Кундан-кун обод бўлар Тошкент —дўстлик қалъаси
Юксалмиш, камол топмиш кўҳна Шарқ машъаласи.
Бунда ҳар қилинган иш яхшилик нишонаси
Келар инсон ҳаваси,
Тошкент метроси.

КЕЛАРМИСАН?

Кўзларим йўлларингда зор, гирён, келармисан?
Дилдорсиз не ҳам қилсин танда жон, келармисан?

Бу ташна лаб, ташна дил, бу ошуфта кўнгилга
Жон ато қила билмиш Зарафшон, келармисан?

Гулшаннинг қулф уриши абри найсон биландир
Сен билан боғ-роғларим бехазон, келармисан?

Севиб, севилмаганлар бебахт бир кимсалардир
Сенингсиз бўлмас бағрим фаровон, келармисан?

Ер меҳри, диёр меҳри, эл меҳри турган ерда
Не ҳожат менга тахти Сулаймон, келармисан?

Ш А Ҳ Р И М

(ҚЎШИҚ)

Тошкент ободлиги ҳаддидан ошган
Ўзбекистон пойтахтига ярашган.
Фозил ЙЎЛДОШ ўғли.

Кўркамликда баҳордай
Менинг кўҳна Шош шаҳрим.
Кеча-кундузи бирдай
Порлаган Қуёш шаҳрим.
Неча асрлар оша
Бир тўзиб, бир кураша,
Ўз номига яраша
Эзгуликка эш шаҳрим.
Ўн беш ини-оғали,
Ўроқ-болға тамғали,
Меҳмондўст, қўналғали,
Йўл-йўриғи пеш шаҳрим.
Москва —эрк қалъаси,
Муқаддас остонаси,
Дунёнинг нурхонаси.
Сенга асрдош, шаҳрим.
Жонажон пойтахтимсан,
Тугал, тўкис бахтимсан,
Фахрим, ҳимоётимсан,
Жон, жисмим тутош шаҳрим.

ИШИМ БОРДИР ЎША ОҲУДА

(ТАЗМИН)

Ишим бордир ўша оҳуда.
Мени шайдо, мафтункор этмиш,
Кўнглим тонгдай беғубор этмиш,
Эътиқодим бузрукворэтмиш
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз боғда якка ниҳолман,
Усиз бебахт,ҳардам хаёлман
Андалибман баҳорсиз, боғсиз,
Ошиёни гулсиз, чароғсиз
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз қалбим—узилган бир тор
Усиз дунё кўзларимга тор.
Усиз бўлмас муродим ҳосил
Усиз йиғлаб ўтарман зор-зор
Ишим бордир ўша оҳуда.

Кўз олдимда бўлур намоён,
Бирда Ҳулкар, бирда ой бўлиб,
Шунда қайтиб кирар чиққан
жон,
Ўксик кўнглим Ҳимолой бўлиб,
Ишим бордир ўша оҳуда.

Усиз менга қизиғи йўқдай
Бу даҳр, бу рангин ҳаётнинг
Назар солса: йўлларим оқдай
У тимсоли бахт, саодатнинг
Ишим бордир ўша оҳуда.

У бор ерда бўлмагай хазон,
Безаволдир унинг нафаси.
У шундай зот, у шундай комрон
У илҳомнинг манбаъ, меваси.
Ишим бордир ўша оҳуда.

Тўра СУЛАЙМОН.
Сирдарё.

ҚУЛФ УРАСАН САВЛАТ ТЎКИБ КЕНГ ОСИЁГА

● Туроб ТЎЛА — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, қатор насрий ва шеърий китоблар муаллифи. Унинг шеърлари асосида яратилган кўплаб қўшиқлар радио ва телевидение орқали ижро этилади, концерт коллективлари репертуарига киритилган.

● Алия ТАХТАГАНОВА — 1980 йилда М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг композиторлик факультетини битирган. Болалар учун «Аквареллар» деб номланган хор қўшиқлари мажмуасини, инструментал пьесалар, вокал цикллар ёзган.

Алия ТАХТАГАНОВА музикаси

Туроб ТЎЛА шеъри



Қулф урасан савлат тўкиб кенг Осиёга,
Машъал бўлиб нур сочасан шарқий самога!
Бахтинг ҳар гул, ҳар жилода, ҳар бир ёноғда,
Ҳар бир зафар, ҳар бир чаман, ҳар бир
чаноғда.

НАҚАРОТ:
Эй чароғон, тинч—фаровон, жон она шаҳрим,
Сен-ла гўзал, хуррам ва шод қалбим ва
баҳрим!

Ошиқ бўлиб куйласам ҳам хаёлимда оз,
Ардоқласам, ўйласам ҳам хаёлимда оз,
Битолмайман, этолмайман васфинг ифода
Эй, Тошкент, бор бўл улуғ, озод бу боғда!
НАҚАРОТ:
Эй чароғон, тинч—фаровон, жон она шаҳрим,
Сен-ла гўзал, хуррам ва шод қалбим ва
баҳрим!

Бахтинг ҳар гул, ҳар жилода, ҳар бир ёноғда,
Ҳар бир зафар, ҳар бир чаман, ҳар бир
чаноғда.

Битолмайман, этолмайман васфинг ифода
Эй, Тошкент, бор бўл улуғ, озод бу боғда!
НАҚАРОТ:
Эй чароғон, тинч—фаровон, жон она шаҳрим,
Сен-ла гўзал, хуррам ва шод қалбим ва
баҳрим!

● Музайяна АЛАВИЯ — Таниқли фольклоршунос олима, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати. Халқ оғзаки ижоди дурдоналари, классик мерос ҳақидаги тадқиқотлар, мақолалар муаллифи.

ҲАЁТ ЗАВҚИ

(ЎТМИШДАН БИР ЛАВҲА)

«Самарқанд» чойхонасига кўп қариялар тўпланишган. Нуроний қария Абдуллавой ота ҳаммани оғзига қаратиб нақл қиларди:

— Тошкент шаҳрида ота-боболаримиз даврида «Уста, бир амалланг» деб ном чиқарган уста бўлган. Ўзининг исми Жамол бўлса ҳам, лақаби «Уста, бир амалланг» бўлиб кетган экан. У камбағал, қашшоқларга қайишадиган, ақлини, кучини, тажрибасини бечораҳол меҳнаткашлар фойдасига сарфлайдиган олийҳиммат, мард одам эди. Ёмон кўргани — дангасалик, очкўзлик. У пайтларда нима кўп — камбағал кўп. Кун кўриш тирикчилик қилиш оғир. Бирор жойдан бошпана қилиб олишга кучи етмаган шўрликлар ўша устага бориб: «Уста, бир амаллаб менга бир уй қуриб беринг, бировларнинг жойида туриб бола-чақам билан уй эгаларининг ишини қилабериб, миннатини эшитавериб кулфатга қолиб кетдим. Бошимиз ғамдан чиқмайди», деса, у қошдан қабоқ қайтармай, астойдил ҳаракат қилар экан. У ёқ-бу ёқдан, пастқам, қаровсиз, одам юрмайдиган жойлардан ер топиб, сўнг ўзи билган, тўйиб овқат емаган, усти бутун кўрмаган бечораҳолларни ҳашарга айтар экан.

Мурувватли устанинг яхшилигини кўрганлар келиб ер текислаб, шибба уриб, пахса олиб, бир амаллаб томини ёпар, уй-айвончаси билан. Ҳатто ўчоқлар сўкичаги билан тайёр бўлар экан. Ҳашарчиларга «Подачи оши» берилгани учун ҳеч кимга, уй эгасига ҳам оғир тушмас экан.

Шу пайт ўрта ёш бир киши ўртага луқма ташлади:

— «Подачи ош» деганингиз нима, у қанақа бўлади?

— Авваллари, — деб сўзида давом этди Абдулла бобо. — қишлоқларда подачи молни боқиб, кечки пайт қайтариб келарди. Жониворларнинг ҳар бири ўз эшигини таниб кириб кетарди. Подачи уйма-уй юриб: «Оши ҳалол» деб чақирарди. Одамлар қандай овқат пиширишган бўлишса, «Подачи ҳақи» берар эдилар. «Подачи оши» деб аслида шуни айтади. Ҳашарга атаб катта қозонда алоҳида ош пишириларди. Бу таом учун ҳашарга келганларнинг ҳар бири бир қисм гуруч, бир ҳовуч ун оладими, бир қошиқ ёғ, гўштдан тортиб, лўбиёмош дейсизми, шолғом, лавлаги борми, олиб келиб ҳашар ошига қўшади. Ҳаммаси қозонга солинади. Шундай лаззатли, хушхўр бўладики, ўликлар еса тирилиб кетгудай эди. Ҳар хил масаллиқлардан пиширилгани учун буни ҳам «Подачи оши» дейишарди. Лекин бу таомни ҳар ким пиширолмасди. Мен билганлардан Қорасоч, Ойимбуни деган пазандаларнинг «Подачи оши»сининг лаззати таърифдан ташқари бўларди. Пичоқчилик маҳалласидаги бир ҳашарда шундай таом тановул қилганим эсимда. Билмадим, меҳнатдан кейин шунчалик ширин тотирмиди ёки беминнатлигиданми, ҳар ҳолда жудо ширин бўларди.

Боятдан бери гапга қулоқ солиб ўтирган ўрта ёшлардаги бир чойхўр гапга қўшилди:

— Таомни пиширишда ҳам гап кўп. Қайси бири аввал, қайсиниси кейин тушади, меъёри қанча, барини билиб астойдил меҳнат қилса, ширин бўлади.

Меҳнат ветерани Тоживой ота ҳам ўз таассуротини билдирди:

— Ҳа, ҳашар иши кўнгилли эди. Яхшиларнинг шарофати билан бир камбағал уйлик бўлиб қоларди. Одам юрмайдиган кўримсиз жой обод бўларди. Қарангки, ҳашар шарофати билан дўстлик мустаҳкамланади, янги танишлар ортади. «Подачи оши»га тўйилади. Миннатсиз, таъмасиз хизмат ҳаммани хурсанд қиларди. Бу эзгуликдан, уй эгасига қараганда кўпроқ уста ва ҳашарчилар севинишарди. Ҳашар йўли билан қурилган уйни ҳар кўрганда усталар дунёга янгидан келгандай бўлишарди. Шуниси аёнки, ҳалол тер тўкиб, меҳнат билан кун кўрувчилар одам қадрига етади, дунё неъматларининг лаззатига тушунади. Шунинг шукронаси учун ҳамма вақт кўпчилик учун бирор фойдали иш қилиб қолиш нияти билан яшайди. Шундай одамлар тарбиясида вояга етган кишилар олийҳиммат, мурувватпеша бўладилар.

Кексалар гурунги шундай давом этарди. Абдулла бобо мамнун жилмайиб деди:

— Минг шукур. Дориламон замонда яшаяпмиз. «Самарқанд» чойхонасининг ҳусни-жамолини кўринг. Буни шарқона услубда ҳукуматимиз қуриб берди. Ёшим тўқсондан ошди, уйда зериксам шу ерга чиқиб кўнгил чигилини ёзаман. Умр узоқ экан, ҳаммасини кўрдим, «Подачи оши»ларини едим, ҳашарларда қатнашдим. Энди «Уста, бир амалланг» деган гаплар йўқ. Ҳамма уйли-жойли бўляпти. Шанбаликлар ўтказилиши худди ҳашарнинг ўзи. Гаплар шунақа. Ҳаётнинг олди-кетига қараб, бирга ўсган, ёш-қари ҳаётдан кўз юмган қурдошларимни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Қариликнинг даҳшати шу. Лекин ҳаёт ширин. Одоби гўзал ёш-ялангларни кўриб, яна яшаргинг келади... Вақт ҳам бўлди, менинг Саъдуллом ҳам ишдан келгандир, уйга борай энди...

Абдулла бобо ўрнидан қўзғалган эди, ёш бир йигит ҳассани олиб унинг қўлига тутқазди:

— Пирибадавлат бўл, умринг узоқ бўлсин, — деди Абдулло бобо мамнун ҳолда кейин ортига ўгирилиб ўтирган даврага: «Омон бўлинглар», деди-да, эшикдан чиқди.

Ўрта ёш киши бобонинг ортидан ҳавас билан қараб, эзгу ният қилди:

— Абдулла бобо ҳам ғанимат бўлиб қолдилар, биз ҳам уларнинг ёшларига борайлик.

Ёши улуғ Сайфи ота хулоса гапни айтди:

— Бутун умри меҳнатда ўтган Абдулла бобонгизни сизларга ўхшаб ён қўшниси, ёзувчи Абдулла Қодирий —Жулқунбой ҳам жуда яхши кўрар эди.

Музайяна АЛАВИЯ,
Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.

Санъатнинг сеҳрли олами.

С. Маҳкамов фотолари.

● Дилбар ҲАЙДАРОВА 1952 йилда Наманган область Учқўрғон районида туғилган. Наманган давлат педагогика институтининг филология факультетини ва Москвадаги Горький номли жаҳон адабиёти институтини тамомлаган. Дастлабки китоби — «Норин мавжлари» 1980 йилда чоп этилди.

ҲИЖРОН МАКТУБЛАРИ

(ТУРКУМДАН)

* * *

Кўчада бораман қўлимда китоб,
Турфаранг чеҳралар ўтар лентадек,
Ажнабий қаршимда этади хитоб,
«Яхши қиз ҳиндмисиз, араб ё ўзбек?»
У жавоб кутади шу тобда маҳтал,
Айланишдан тўхтаб бу кенг жаҳонни.
Ўзбекман, дейману, худди шу маҳал,
Соғиниб кетаман Ўзбекистонни.

* * *

Сен қайлардан билдинг менинг дардимни,
Қўлларимда титрар сен юборган хат.
Тунда тушларингга кириб бордимми,
Сенга сўйладимми ҳижрондан фақат,
Олис, олисларда соғиниб, бўзлаб,
Юрганим она юрт мажбур этдими?
Кимдир шеърларимни сенга кўз-кўзлаб,
Рашкнинг оловига ташлаб кетдими?
Тошкент оқшомлари фараҳи билан
Кўзингга чиздими сен суйган ойни.
Хиёбонда кезсанг, йўлдан чиқиб ман,
Шодликка кўмдимми сен тушган жойни.
Сен қайлардан билдинг менинг дардимни,
Аҳволу, зорингни сўйлар менга хат.
Сенинг тушларингга кириб бордимми,
Тунги чироқларни ёққанда Тошкент.

* * *

Тошкентга билет йўқ, дейсизми, опа?
Йўқ, қайта текширинг, бўлиши керак!
Бир ҳафта билет йўқ, дейсизми опа?
Мен учун даҳшатдан бермангиз дарак!
Мен учишим керак, тезроқ, ҳа, тезроқ,
Опажон, шу лаҳза учмасам бўлмас.
Куйдириб ташлайди, мени бу фироқ,
Елғизим, қизимни кўрмасам бўлмас.
Ҳижрондан сочлари оқарган онам.
Оҳ, бетоб қизимнинг қошида бетоб.
Менинг бор бисотим сизга кетса ҳам,
Учириб юборинг, опажон шитоб!
Раҳмат! Раҳмат, опа бу билет эмас,
Висолга йўлланма бердингиз ахир!
Тошкентга учишим, ҳақиқатдир бас,
Кипригимда севинч ёшлари зоҳир...

* * *

Мен излаган фароғат шудир,
Ўзгасининг менга қадри йўқ.
Умримдаги ибодат шудир,
Ўзгасининг менга фарзи йўқ.
Тотдим турфа ерлар нон-тузин,
Тушда уни кўриб уйғондим.
Усиз, ғариб бўламан ўзим,
Ғарибликдан асрар Тошкентим.
Мен излаган фароғат шудир...

Дилбар ҲАЙДАРОВА.
Наманган.

● Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ—1981 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. 1980 йилда «Муҳаббат эртаги» номли илк шеърий тўплами чоп этилди.

ШУҲРАТИНГНИ ТАРАТАМАН

Салтанатга суянгандек ҳукмдор,
Насиб этиб унга бир кун тожу тахт.
Мен бағрингга кириб келдим умидвор,
Бағринг очдинг, она шаҳрим, тутиб бахт.
Бу бир бахтки, кўрмагандир жаҳонгир,
Хаёлига келтирмаган ҳеч бир зот.
Бу бир бахтки, шеър аталган у тақдир,
Аҳли шеърга қўшдинг мени умрбод.
Бундан ўзга бахт бўлармн дунёда,
Ўз ўрнини излаб юрган одамга.
Лойиқ бўлсам шу шарафга мабодо,
Шуҳратингни таратарман оламга.
Мен бағрингда бир ниҳолман кўкарган.
Қуёшимсан мангу сўнмас, жонажон.
Шарқ довруғин осмонларга кўтарган
Сен барҳаёт пок сиймосан, Онажон!

* * *

Тўплар отилмади бизнинг замонда,
Ажал ёғдирмади кўкда қузғунлар.
Бизнинг уйимизда дорулзамонда
Уруш бошланарда гоҳида тунлар.
Отам танасида қолган жароҳат,
Зирқираб қолганда қийнаб бемаҳал.
Рўзғордан қочарди файзу фароғат,
Уйга соя ташлаб турарди ажал.
Нақ шундай юракнинг ёнгинасида,
Уруш яшаб ўтди унга ҳамнафас.
Бечора отамнинг жонгинасига,
Парча ўқ бир умр қилиб келди қасд.
Бизлар кўрмаганмиз уруш даҳшатин,
Очлик, юпунликнинг азобларин ҳам.
Даҳшатли урушнинг қурбони бўлиб,
Ҳар кеча бир ўлиб яшади отам.

Фарғона.

● Яйра САЪДУЛЛАЕВА — таниқли ёзувчи ва журналист, «Ғунча» журнали бош редактори. Унинг ҳикоя ва қиссалари, одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолалари кўпчиликка яхши таниш. «Ҳаётнинг бир вароғи», «Том бошида тоғора», «Келинчак», «Она кўнгли», «Инсон қадри» сингари китоблари чоп этилган.

«Товариш» кампир

(ҲИКОЯ)

Бўйларидан ўргилай, неварагинам, у қилиб бу қилиб, мени ҳам унча-мунча ўрисча гапиришга ўргатиб олди. Бўлмаса «метро» деган сўзга тилим айланармиди. Мана ҳозиргина келиб «Қани, товариш кампир, бугун энди метронинг ўзини кўрасиз» деб қолди. Сизга тўғрисини айтсам, «товариш кампир» дегани менга жуда ёқади. Худди чарм коржома кийиб, қизил дуррача ўраб, инқилобнинг олдида юрган аёлларга ўхшатиб юбораман ўзимни.

Бирпасда ясан-тусан қилиб эшик олдига чиқсам, оқ «Волга» кутиб турибди. Илгари замон бўлганда «Волга» қаёқда-ю, мен қаёқда эдим. Раҳматли чолимникигаям ўн уч яшарлигимда эшак аравада обориб қўйишган бир вақтлар. Хуллас, лип этиб чиқиб олдим машинага. «Кўктерак» билан метронинг ораси анчагина бор экан. Кўрсатган кунингга шукур деб, томоша қилиб келавердим.

— Келдик, товариш кампир, — деди набирам ва машинадан эҳтиётлик билан тушира бошлади. Суюнганимданми, тавба-тавба, ҳаяжонланаман, десангиз.

Метро биносининг ичига кирганимдан кейин шунча вақтдан бери неварагинам, юринг олиб борай деб, зўрлаганида ҳам келмаганимга ачиниб кетдим. Бу унча-мунча биномас, кошона, болам, кошона!

Набирагинам қўлимдан ушлаб олди. Шошаманки поездни тезроқ кўра қолсам, деб. Йўқ, буниям тартиб-қоидаси бор экан. Болам «ҳозир» деди-ю ёнидан танга олди. Девордаги қутилардан бирига ташлаган эди, кафтига шовдир-шовдир қилиб беш тийинлик тушди. Ўғлим қўлимга биттасини бериб, раста-раста турган қутичалар олдига олиб борди: «Қани, товариш кампир, ташланг», — деди туйнугини кўрсатиб. Ташладим. Ҳали қараб турибман, патта чиқармикан деб, ҳали қараб турибман, қани чиқса. Болам: ташлаганингиз етади, ўтаверинг» дейди қистаб. «Ҳо, нега энди ўтарканман, анув ёққа ўтганимдан кейин ушлаб олсинми, билетсиз деб дейман.

— Ташлаганингиз билетга ўтади, ўтаверинг.

— Анов қиз тўққиз кўз қараб турибди-ю, кўрмаяпсанми, — деб сал жаҳлим чиқиб, чақа ташлаган туйнукка тикиламан, яна билет йўқ.

Буни қаранг-ки, ҳақиқатдан жужурний қизча кузатиб турган экан, босайми-босмайми деб олдимга келди. Сал сахийроқ эканми, ўтаверинг, дейди тантилик қилиб.

— Йўқ, унақаси кетмайди, сен ушлаб олмасанг, бошқанг шартта ушлаб олиб, штраф оласан,—дедим ва пулни ютиб юборган зормандага бир мушт туширмоқчи эдим, болам қўлимдан ушлаб қолди.

— Ўтаверинг, бувижон, пастда ҳеч ким билет сўрамайди. Беш тийинингизга эртадан кечгача катайса қилсангиз бўлади, — деди ҳалиги қизча кулиб.

Юрагимни ҳовучлаб «қил кўприк»дан бир амаллаб ўтиб олдим. Ўтиб олдиму, пастга қараб ёқамни ушлаб қолдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган нарса— тушаверишдаги зина чопқиллаб юриб кетаяпти.

— Эскалатор дейишади буни, —деди неварагинам тушунтириб —пастга ўзи олиб тушиб қўяди.

Мўлжаллаб туриб қадамимни қўяй десам, зина жонивор пилдираб кетиб қоляпти.

— Ҳой, болам, эскалатингнинг эси йўқ экан, тўхтатиб турмайдими, чиқиб олганидан кейин юрмайдими, — дейман кулиб. Йўқ, охири бир амаллаб чиқиб олдим. Ана мазаю, мана маза! Шақир-шуқир қилсаям пастга эсон-омон олиб тушиб қўйди.

Бу истансани Ленин номига қўйишганича бор экан. Лениннинг ўзиям хўп файзли одам бўлган-да. Астанопкасиям шунақа файзли, шунақаям кўркамки, қани энди Ҳасан-Ҳусан невараларимнинг тўйини шу ерда қилсам. Саҳнига қараб айтган эканман бу сўзни. Бундоқ қандилларига кўзим тушувди, осмондаги жами чарақлаган юлдуз борки шу ерга опкеб қўйишибдими, дедим. Суюнганимданми, умримда бундай ҳашамни кўрмаганимданми, алланечук бўлиб кетдим. Халқнинг кўнгли кўтарилсин, руҳи яхши бўлсин деб, шундай ҳашамларни қилиб қўйибди-я ҳукумат, болам.

Ҳали томоша қилиб улгурмагандим, поезд ўқдай учиб келиб қолди. Буни қарангки, оёғидан ўт чақнайди-я, янги тушган келинга ўхшаб.

— Тез-тез бўлинг, ҳозир юриб кетади, — шоширииб юборди неварагинам.

— Бунисига тушмасам, бошқасига тушарман. Жуда антиқа жой экан, сал томоша қилиб олай.

Шундай деб яна теварак-атрофга, одамларнинг қувноқ, нурли чеҳраларига тўймай тикиламан. Биз эртакларда ўқиган мўъжизаларнинг рўёбга чиқиши шу бўлса керак-да, дейман.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

«ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ» КОНКУРСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КИНО

16, 17 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДМИТРИЙ II»— **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30; телефон 44-21-74).

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30, телефон 44-21-74). **Тошкент Советининг 56 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.30; телефон 78-47-25).

«ХАЛОС БЎЛИШ»— **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20). **Ватан** (12, 15, 18, 21.00). **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69). **Фестиваль** (21.40; телефон 32-78-02). **Қозогистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92). **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 66-15-75). **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 33-05-01).

«КУТИЛМАГАНДА, ТЎСАТДАН» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда). **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БАХТ МЕХАНИКАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ИЛТИМОС, КЕЧИРИНГ»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

Фарғона область Фрунзе районидаги 23-ўрта мактаб томонидан **Нурматова Нигорахон Холматовна** номига берилган 606881 номерли йўқолган ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Хоразм область Шовот районидаги 38-ўрта мактаб томонидан **Қосимов Ийлдошбой Жуманиёзович** номига берилган 044920 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА.

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Фируза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЕЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Тожиддин Абдувоҳидов олиб боради.

«Лазги» ансамблининг бадиий раҳбари—Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Музика раҳбари —Асқарали ХИДИРОВ.

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЁ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ

юк ва енгил автомобиллар, тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишдан чиққан шиналарини чекланмаган миқдорда

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Барча маркадаги машиналарнинг барча размердаги ишдан чиққан шиналари, шунингдек, ЗИЛ—130, МАЗ ва ГАЗ—53 автомашиналарининг (Р-ҳарфли) металлокордли ишдан чиққан шиналари қабул қилинади.

Шунингдек, барча машиналарнинг барча размердаги камералари ниппеллари фақат қирқиб олинган ҳолда қабул қилинади. Покришкалар ва камералар топшириш пайтида тоза бўлиши лозим.

Топширилган покришкалар ва камераларнинг бир тоннаси учун прейскурантга биноан ҳақ тўланади.

Қабул пункти адреси — «Сергели» товар станцияси.

Иш соатлари — соат 9.00 дан 18.00 гача.

Дам олиш куни —шанба ва якшанба.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ

«БЎЙСУНДИРИШ»

(АЁЛ ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА) АТТРАКЦИОНИ БИЛАН

ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Ўргатувчи — Марица ЗАПАШНАЯ.

БУТУН КЕЧА ДАВОМИДА САҲНАДА МАСХАРАБОЗЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба кунлари —16.00 ва 19.30 да, якшанба кунларн эса — 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар учун телефон 44-35-91.

СОАТЛАР... СОАТЛАР...



Эркаклар ва хотин-қизларнинг энг замонавий моделдаги—донра, тўғри тўртбурчак, квадрат шаклдаги, оқ ва рангли циферблатли, хромланган, тилла сувн юритилган ва тилла корпусли ҚЎЛ СОАТЛАРИни

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Бу ерда кенг ассортиментда «ПОЛЕТ», «ВОСТОК», «ЛУЧ», «ЗАРЯ», «ЧАЙКА», «СЛАВА», «ЭЛЕКТРОНИКА» механик ва электрон соатларн мавжуд.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 42-98-52).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети Ф. Ҳўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси қошида очилган

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал қисмларини бичувчилар, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. **Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртн қошида ўқувчиларининг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам равишда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошида бепул болалар ва аёллар қўйлакларини бичиш-тикиш курси очилган, битирувчиларга гувоҳнома берилади.**

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА:

бичиқчилар, чеварлар, тикувчилар; эркаклар ва хотин-қизлар устки кийимлари, хотин-қизларнинг енгил кўйлакларини; бухгалтерлар, уй шароитида меҳнат қилиб тикувчилар,

ОКТЯБРЬ РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

телефонисткалар, алоқа электр механиклари, телефонистка шогирдлар,

ТОШКЕНТ ҲУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ВАГОН-РЕСТОРАНЛАР КОРХОНАСИГА:

вагон-ресторанларда ишлаш учун официантлар, идиш-товоқларни ювувчилар; секретарь-машинисткалар, машинисткалар, ҳисобчилар, бухгалтерлар.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш учун мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш бўйича район пунктлари.

ЧИРЧИҚДАГИ «ҒУНЧА» ТИКУВ ФАБРИКАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН

БОЛАЛАР ЛИБОСЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ «ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 1-МАГАЗИНИДА (Навоий кўчаси, 18-уй)

16 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА

ЎТКАЗИЛАДИ

Сиз бу ерда қуйидаги молларни сотиб олишингиз мумкин:

Мактаб ўқувчилари учун катак-катак жун газламадан тикилган КОСТЮМЛАР. Размерлари —26—30. Баҳоси 17 сўм 90 тийин.

«Матроска» жун КОСТЮМЛАР. Размерлари—28—30. Баҳоси — 9 сўмдан 13 сўмгача.

Ип-газлама КОСТЮМЛАР. Баҳоси 5 сўм 10 тийиндан 5 сўм 90 тийингача;

турли рангдаги ВЕЛЬВЕТ ШОРТИЛАР. Размерлари 26—30. Баҳоси 3 сўм 40 тийин.

Ўсмирлар учун ВЕЛЬВЕТ ШИМЛАР. Размерлари —44 — 46. Баҳоси 12 сўм 60 тийин.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун жун газламадан тикилган КОСТЮМЛАР. Размерлари 32—36. Баҳоси—18 сўм 80 тийиндан 27 сўм 20 тийингача.

Ўсмирлар учун ВЕЛЬВЕТ КОСТЮМЛАР. Размерлари — 44— 48. Баҳоси 47 сўм 80 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

МИНГ ХИЛ НАРСА КЕРАК



Янги ўқув йилида мактаб ўқувчиларига портфеллар, ранецлар, дафтарлар, ручкалар, қаламлар... хуллас минг хил майда-чуйда буюмлар керак бўлади.

Мактаб учун керак бўладиган барча ашёларни барвақтроқ сотиб олишингизни маслаҳат берамиз.

ОНАЛАР ВА ДАДАЛАР, БУВИЛАР ВА БОБОЛАР!

СИЗЛАРНИ МАКТАБ БОЗОРИ ИШЛАБ ТУРГАН ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

СИЗЛАР БУ ЕРДА ҚУЙИДАГИ МОЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ранецлар, портфеллар;

ўқувчилик дафтарлари ва катта дафтарлар;

рангли ва оддий қаламлар;

фломастерлар, шарикли ва пероли авторучкалар, авторучкалар учун стерженлар;

дафтарлар ва китоблар учун муқовалар;

ўғил ва қиз болалар учун барча размердаги мактаб формаси;

ўғил болаларнинг сандалетлари, қиз болаларнинг босоножкалари — 34 дан 41 размергача.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-98-52).

155-ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

узоқ масофаларга қатновчи пассажир вагонлари проводниги. Ўқиш муддати —бир йил. Ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқувчиларга ётоқхона берилмайди;

машинада қолиплаш учун қолипловчи. Ўқиш муддати —бир йил. 8—10 синф маълумотига эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади,уларга ойига қуйидаги ҳажмда стипендия берилади: 8 синф маълумотига эга бўлганлар учун—30 сўм, 10 синф маълумотига эга бўлганлар учун —70 сўм. Ётоқхона берилади;

токарь-универсал. 10 синф ҳажмида маълумотли 17,5 ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади:

тепловоз машинисти ва рефрижераторли поездлар механиги. 10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар учун—72 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш муддати —бир ярим йил;

тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз механика қисмн ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандловчилар, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати —3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-кечак, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентн билан таъминланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, аълочилар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юрти битирувчилари темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пуҳтига темир йўл транспортида бепул бориб келиш имкониятидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-оналарининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йили учун

БИР ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИЛАР, ЙИГИРУВЧИЛАР, МАСТЕР ЁРДАМЧИСИ, РАКЛИСТ, УРОВЧИЛАР, РОСТЛОВЧИЛАР, ТАРОВЧИЛАР, ПИШИРУВЧИЛАР ЭШУВЧИЛАР, ГАЗЛАМАНИ ОҚАРТИРУВЧИЛАР.

10-синфларни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ётоқхона, стипендия билан таъминланадилар. 5— 7 ойдан кейин ўқувчилар меҳнатнинг ишбай ҳақига ўтказиладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар;

3 ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА:

ТЎҚУВЧИЛАР, ЙИГИРУВЧИЛАР, МАСТЕР ЁРДАМЧИЛАРИ

8-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин ўрта маълумот ва ихтисослик тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртини битирганлар шаҳардаги олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида бичиш ва тикиш, шофёрлик курслари, олий ўқув юртларига ўқишга кирадиганлар учун бепул тайёрлов курслари ишлаб туради, маданият саройида бадиий ҳаваскорликнинг турли тўгараклари, шунингдек, «Текстильшчик» стадионида спорт секциялари бор.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: маълумоти тўғрисида, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмли), ариза ва таржимаи ҳол.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3-автобусларнинг «Билим юрти бекати; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Фрунзе савдо маркази» бекати). Телефонлар: 55-44-85, 55-44-96, 55-38-93.

ТВ

16 АВГУСТ —СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.30 «Кино сенинг дўстинг». XIII халқаро Москва кинофестивалига тақдим этилган болалар фильмлари ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 Курск жангининг 40 йиллигига. «Оловли ёй». Бадиий фильм. «Халоскорлик» киноэпопеясидан. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Б. Руденко концерти. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Балет артистларининг чиқиши. 23.35 «Спорт ҳафталиги».

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.55 Тошкентнинг 2000 йиллигига. «Шаҳар меҳмонларни кутмоқда» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Адабий альманах». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Шопениана» Тошкент хореография билим юрти ўқувчилари ижро этади (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Йигим-терим техникаси шай бўлсин». 22.25 «Қилич ва қалқон» 1-фильм. «Ихтиёр ўзимда эмас». 23.45 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Шаҳар ва қишлоқ». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.20 Классик куй саҳифалари. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).

17 АВГУСТ —ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Саёҳатчилар клуби». 10.40 Курск жангининг 40 йиллигига. «Оловли ёй». Бадиий фильм. «Халоскорлик» киноэпопеясидан. 12.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 13.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқ коммунистларининг ишлари ва юмушлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Ольга Соколованинг узоқ ёзи». «Шунақа иш». 16.10 «Совет тасвирий санъати». М. В. Нестеров. 17.00 «Вильнюс квартети». Фильм-концерт. 17.30 «Горничилар, қаердасиз!».

18.15 «Бош конструктор». С. П. Королёв ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 1-фильм— «Югуриш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 Мультфильмлар: «Вилмасвой Қуёшли шаҳарда» туркумидан, «Ҳайвонот боғида тўс-тўполон». «Лайлак». 20.05 «Ёшлар аудиториясидаги учрашув». Йўллар министри Н. С. Конаревнинг ёш темир йўлчилар билан суҳбати. 20.35 «Коломба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. П. Мерименинг шу номли новелласи асосида. (Италия). 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 П. И. Чайковский. 1-квартет. А. Бородин номли Давлат квартети ижро этади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёзги меҳнат чоғари». 18.45 Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига номзодлар. «Ишчи—шарафли ном». «Ўзбектелефильм» студияси ҳужжатли фильмлари яратувчилари билан учрашув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион новеллалар театри. М. Жалолиддинова. «Дил туғёни». 20.00 «Чорвачилик —зарбдор фронт». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Шамаева ва ака-ука Ваҳобовлар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Қилич ва қалқон». 2-фильм. «Яшаш шарт». 24.00 Янгиликлар.

II

18.20 Кўрсатувлар программаси. 18.25 «Невадаги шаҳар». Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.30 «Она шаҳрим — Тошкентим». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ханжар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.).

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлимининг ижодий совети ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакцияси коллективи Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимовга опаси

Асолат УМУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қ.,ладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кинолашгириш бошқармаси Тошкент шаҳар давлат кино тармоғининг кекса ходими, Улуғ Ватан уруши инвалиди

Ҳайдар СОДИҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институтининг иккинчи клиникаси коллективи тери ва таносил касалликлари бўлимининг мудири З. Толиповга отаси

Толип ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

16 АВГУСТ, 1983 й. Р—03079. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12